

2019 йил 22 декабрь

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари
маҳаллий Кенгашлари депутатлигига сайлов кун.



№99-100
2019-йил, 10-декабр
Seshanba (32.590)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-йил 21-iyundan chiqq boshlagan

Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!

O'zbekiston O'VOZI

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг «Бюрократик
тўсиқларни янада қисқартириш ҳамда
давлат органлари ва ташкилотлари
фаолиятига замонавий бошқарув
тамоийилларини жорий қилиш
чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини
газетамиз сайтида ўқишингиз мумкин.

10 декабрь – Ўзбекистон
Республикасининг
Давлат мадҳияси қабул
қилинган кун

КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ – ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ЭНГ МУҲИМ МЕЗОНИДИР

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон
Республикаси Конституцияси қабул
қилинганининг 27 йиллигига бағишланган
тантанали маросимдаги маърузаси

Ассалому алайкум, азиз ватан-
дошлар!

Мухтарам меҳмонлар!
Хонимлар ва жаноблар!
Аввало, барчангизни, бутун халқ-
қимизни Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси қабул қилинганининг
27 йиллик байрами билан самимий
табриклаб, эзгу тилакларимни изҳор
этишга ихозат бергайсиз.

Хурматли дўстлар!
Ҳар бир давлат ўз истиқлол ва
тараққиёт йўлини танлар экан, халқ
фаровонлигини таъминлашга ҳиз-
мат қиладиган энг муҳим мақсад ва
вазифаларини ўзининг Конституция-
си – Асосий қонунида мустаҳкамлаб
олади. Бинобарин, ўз халқининг хо-
ҳиш-иродаси, дили ва тилидаги эзгу
ниятларига ҳамоҳанг Конституцияга
эга бўлган мамлакат ўзи белгиллаган
юксак марралардан ҳеч қачон ғиш-
масдан, доимо олдинга қараб боради.
Тарихга назар солсак, асрлар да-
вомида шаклланган маънавий-ахлоқ-
қий қадриятлар ва инсоннинг табиий
ҳуқуқлари цивилизация жараёнида
натijasида Конституция шаклига
келганини кўрамиз.

Конституция башариёт ҳаёти-
да илк бор инсоннинг озод ва эркин
яшаш, мулкка эга бўлиш, таълим
олиш, меҳнат қилиш, сайлаш ва сай-
ланиш каби ҳуқуқларини, сўз ҳамда
эътиқод эркинликларини олий қад-
рият даражасига кўтарди.

Мустақиллигимизнинг илк даври-
да қабул қилинган Конституциямиз
шахс, жамият ва давлат ўртасидаги
муносабатларда ўзаро ҳуқуқ ва маж-
буриятлар ҳамда уларнинг қафолат-
ларини аниқ-равшан белгилаб берди.

Бош қонусимиз, жинси, irqи, мил-
лати, тили, дини, ижтимоий келиб
чиқишдан қатъи назар, юртимиз
фуқаролари тенглигининг қафолат-
ланишини эътироф этди ва замона-
вий демократик тараққиёт учун замин
яратди.

Айнан шу сабабли Конституция-
мизни эҳтиром билан улуғлашимиз,
ҳар томонлама ўрганишимиз, унга из-
чил амал қилишимиз, Асосий қонуни-
мизда мужассам бўлган аҳдодларим-
изнинг буюк мероси ва умуминсоний
қадриятларни ёшларимиз қалбига
синдиришимиз зарур.

Хурматли юртдошлар!
Соҳибқирон Амир Темури бобомиз
«Давлат қонунлар асосида қурил-
мас экан, ундай салтанатнинг шуқу-
ҳи, қудрати ва таркиби йўқолади»,
деб таъкидлаган эдилар. Шу нуктаи
назардан, Конституция ва қонун
устуворлигини таъминлаш биз бунёд
этайтган демократик ҳуқуқий давлат-
нинг буюк мероси ҳисобланади.

Ҳар қандай демократик ислохот-
лар самараси, тинчлик ва тараққиёт-
нинг асосий гарови ҳам Конституция
ва қонун устуворлиги таъминланиши
билан бевосита bogliq.

Қонун устуворлиги – бу давлат
ҳокимияти ва бошқаруви органлари
чиқараётган ҳужжатлар, мансабдор
шахсларнинг хатти-ҳаракатлари фақат
ва фақат Конституция ҳамда қо-
нунларга мувофиқ бўлиши шарт, де-
гандидир.

Шу боисдан ҳам барча бўғиндаги
кадрлар, у хоҳ вазири, ҳоким ёки од-
дий фуқаро бўлсин, Конституция ва
қонунларни пухта билиши, уларнинг
иқросини тўғри ташкил этиши ҳамда
биринчи навбатда бу қоидаларга бу-
тун жамият аъзолари қатъий амал қи-
лиши шарт бўлган муҳит яратишимиз
зарур.

«Конституция ва қонун устувор-
лиги – фаровон ҳаёт гарови» деган
тушунча фуқароларимизнинг онги ва

қалбига чуқур ўрин эгаллаши ҳамда
ижтимоий эҳтиёжга айланиши учун
қуйидаги масалаларга алоҳида эъ-
тибор қаратиш лозим, деб ҳисоблай-
ман.

Биринчидан, қонунлар иқроси-
ни самарали ташкил этиш, тизимли
муаммоларни олдиндан кўра билиш,
қонун бузилишининг салбий оқибат-
ларига қарши курашиш билан бирга
бундай ҳолатни барвақт бартараф
этишга қаратилган тизимни шаклланти-
риш айнаниқ долзарбдир. Афсуски,
ушбу талаблар бизда ҳали тўлиқ ба-
жарилмоқда, деб айта олмаيمиз.

Шу йилнинг ўзида 70 дан ортиқ
қонун, 350 дан зиёд Президент фар-
мони ва қарорлари қабул қилинди. Бу
қонун ҳужжатлари қим учун ва нима
мақсадда қабул қилинмоқда? Албат-
та, халқимиз фаровонлиги учун.
Масалан, иқтисодиётимизни жа-
дал ривожлантиришнинг муҳим шар-
ти бўлган «Давлат-хусусий шериклиги
тўғрисида»ги қонунни қабул қилгани-
мизга 7 ой бўлди. Кўпдан бун кутил-
ган, ҳаётнинг ўзи талаб этайтган бу
қонун лойиҳаси устида биз узоқ вақт
ишладик. Ушбу ҳужжат фуқаролар-
нинг давлат ва жамият вазифалари-
ни бажаришга доир конституциявий
ҳуқуқини амалга оширишнинг таъсир-
чан механизмидир.

Ҳозирги вақтда айрим тармоқлар-
да давлат-хусусий шериклик бўйича
лойиҳаларни амалга ошириш бош-
ланди. Аммо соғлиқни сақлаш, таъ-
лим, транспорт, йўл қурилиши, ком-
мунал хўжалиги каби йўналишларда,
аксарият ҳудудларда ҳали бу борада
ташаббус умуман сезилмапти.

Вазир ёки ҳоким қонуннинг маз-
мун-моҳиятини тушунмаса, англаб
етмаса, уни ҳаётга татбиқ этишда
жонбозлик кўрсатмаса, ислохотлари-
мизнинг олдинга юриши, одамларда
ташаббус уйғотиш қийин бўлади.

Ҳудудлардаги экин майдонла-
рида рухсатномасиз, ўзбошимча-
лик билан қурилиш қилиш, бино-
иншоотларни бетартиб бузиш каби
нохуш ҳолатлар қонунлар иқросини
назорат қилиш ишлари оқсавтани-
дан далолат беради. Шу боис Парла-
мент, Ҳукумат ва Олий суд қабул
қилинаётган қонунлар иқросини
таъминлашнинг самарали ме-
ханизмларини қўллаши зарур.

Бу борада кадрларни ўқитиш ва
малакасини оширишга, ҳуқуқий аҳо-
лотни замонавий усуллар орқали кенг
оммага етказишга, қонунларни билиш
ва қўллаш бўйича мутасадди раҳбар-
лар фаолиятини баҳолаш мезонлари-
ни ишлаб чиқишга биринчи даражали
эътибор қаратиш лозим.

Иккинчидан, Конституция ва қонун
устуворлигига эришишда жамоатчи-
лик назоратидан кўра самарали воси-
та йўқ.

Буюк юнон олими Афлотун шун-
дай деган эди: «Халқ қонунларга эъ-
тиёж сезиб, уларни пухта ўрганса, бу
фақат унинг ўзига фойда келтиради.
Акс ҳолда қонундан қўзланган мақ-
садга эришиб бўлмайди».

Ҳақиқатан ҳам, халқимиз қонун
бузилишига қарши қаттиқ турмас
экан, давлат идоралари, мансабдор
шахслар қанчалик уринмасин, қонун
устуворлигини таъминлаш қийин бў-
лади.

Бугун жамоатчилигимиз том маъ-
нода уйғонди, энди турли лавозимда-
ги шахсларнинг хатти-ҳаракатларига
одамларимиз бевосита баҳо бериб,
ўз фикрини эркин ифода этишга ўр-
ганмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, халқимиз қонун
бузилишига қарши қаттиқ турмас
экан, давлат идоралари, мансабдор
шахслар қанчалик уринмасин, қонун
устуворлигини таъминлаш қийин бў-
лади.

МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат
Мирзиёев раислигида 9 декабрь кун мева-саб-
завотчиликка ихтисослашган кластерлар та-
шкил этиш, мева-сабзавот етиштириш сифати ва
экспорт ҳажмини ошириш масалалари муҳо-
масига бағишланган видеоселектор йиғилиши
ўтказилди.

Аграр соҳада ҳосилдорлик ва меҳнат унумдорли-
гини янада ошириш мақсадида Президент фармони
билан Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини
ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжал-
ланган стратегияси қабул қилинди. Унда ишлаб чи-
қаришни диверсификация қилиш, қўлай агробизнес
муҳитини ва юқори қўшимча қиймат занжирини яра-
тиш, соҳада илгор технологияларни қўллаш бўйича
қатор муҳим чора-тадбирлар белгиланди.

Қишлоқ хўжалиги тармоқларида кластер тизими
яхши самара бермоқда. Хусусан, шунинг натижа-
сида пахтачиликка янги технологиялар кириб келди,
ҳосилдорлик ўтган йилгига нисбатан 20-30 фоизга
кўтарилди, моддий манфаатдорлик ошди. Жорий
мавсумда пахта ҳосилининг 73 фоизи пахта-тўқима-
чилик кластерлари ҳиссасига тўғри келди.

Мамлакатимиз мева-сабзавотчилик тармоғи ҳам
катта салоҳиятга эга. Лекин бундан оқилона фойда-
ланилмапти.

Статистик маълумотларга кўра, юртимизда йи-
лига 21 миллион тоннадан ортиқ мева-сабзавот
етиштирилади. Лекин уларнинг бор-йўғи 1,5 мил-
лион тоннаси экспорт қилинади.

Чунки ташқи бозорларда рақобатбардош бўлган
маҳсулот етиштирмаймиз. Боғ ва тоқзорларда ҳо-
силдорлик жуда паст. Масалан, хорижий давлатлар-
да бир гектар интенсив боғдан 70-100 тонна, айрим
мевалардан 130 тоннагача ҳосил олинса, юртимиз-
да бир гектардан 10-30 тонна, аъёнавий боғ-тоқ-

зорлардан эса 4-5 тонна маҳсулот олинади.

Маҳсулотни саралаш, қадоқлаш, қайта ишлаш
ва экспорт қилиш бўйича 31 та агрологистика мар-
кази ташкил этилган. Лекин айланма маблағлар
етишмаслиги ва доимий маҳсулот йўқлиги оқибат-
ида уларнинг аксарияти мавсумий ишлаб, мавжуд
қувватлардан бор-йўғи 10-15 фоиз фойдаланмоқда,
холос.

Маркетинг йўқлиги, жаҳон бозоридаги ҳолат ўр-
ганилмаслиги оқибатида экспорт талабларига жа-
воб берадиган маҳсулотлар зарур миқдорда етиш-
тирилмапти. Деҳқон, қайта ишловчи ва экспортчи
корхоналар ўртасида тизимли ҳамкорлик йўлга қў-
йилмаган. Миришкор экинларни ўз билганча жой-
лаштириб, етиштирган маҳсулотини сота олмапти,
экспортёр эса мева-сабзавот қидириб юрибди. Бу
хорижлик харидорлар билан узоқ муддатли ҳамкор-
лик қилишга салбий таъсир этади.

Давлатимиз раҳбари шу боис мева-сабзавот-
чиликда ҳам кластер тизимини йўлга қўйиш зарур-
лигини таъкидлади. Соҳада кўп йиллик тажрибага
эга, маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш инфра-
тузилмаси бор тадбиркорларни бунга жалб қилиш
яхши самара бериши қайд этилди.

Мутасаддиларга маҳсулот етиштирувчи билан
кластер корхонаси ўртасидаги муносабатларни ҳу-
қуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш, икки томоннинг ҳам
манфаатларини таъминлаш бўйича топшириқлар
берилди.

Деҳқонларга моддий ресурслар ва аванс маблағ-
ларини ўз вақтида етказиб бериш, самарадорлиги
паст боғ-роғларни янгилаш, ҳосилдорликни ошириш
кластерларнинг асосий вазифаси бўлиши кераклиги
қайд этилди.

Хорижий экспортларни жалб этган ҳолда, клас-
тер ташаббускорлари учун қисқа муддатли ўқув

курслари ташкил қилиш, ўз навбатида, кластерлар
томонидан фермерлар учун илгор технологиялар-
ни қўллаш, экспортбон маҳсулотлар етиштириш ва
ҳосилдорликни ошириш бўйича амалий семинарлар
ўтказиш муҳимлиги таъкидланди. Ҳар бир вилоят-
даги олий таълим муассасаларида ихтисослашган
кафедралар ташкил этиш юзасидан кўрсатма бе-
рилди.

Президентимиз кластерлар ташкил қилишда
уларни айланма маблағлар билан таъминлаш маса-
ласига алоҳида эътибор қаратди. Фаолиятини йўлга
қўйиб олгунча уларга молиявий қўмаклашиш, хусус-
ан, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш
давлат жамғармаси ҳисобидан зарур маблағлар аж-
ратиш чоралари белгиланди.

Кластерлар томонидан ташкил қилинадиган ин-
тенсив боғ, тоқзор ҳамда иссиқхоналарни аҳоли ва
тадбиркорларга имтиёзли шартлар асосида бериш,
боғ-роғлар ҳосилга кириб, эгаси даромад кўргунча
уларга кредит тўловлари бўйича енгиллик яратиш
муҳимлиги қайд этилди.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар ва
ташқи савдо вазирлигига ҳар бир туманда етишти-
риладиган маҳсулотлар ҳажми, тури, сифати ва экс-
портбонлигини чуқур таҳлил этган ҳолда, экинларни
диверсификация қилиш вазифаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбари бундан олдин, самара-
сиз боғ ва тоқзорлар ўрнида ҳосилдор плантациялар
ташкил этиш, мева-сабзавотларни экспортёрлар та-
лаби асосида етиштириш ва экспортни кенгайтириш
асосий вазифа бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юза-
сидан соҳа мутасаддилари ва вилоят ҳокимлари ах-
бороти эшитилди.

ЎЗА



ОЗОД ВА ЭРКИН ҲАЁТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
қабул қилинганининг 27 йиллиги муносабати
билан 7 декабрь кун «Ўзбекистон» халқаро
анжуманлар саройида тантанали маросим бў-
либ ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари,

ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият, санъат
ва спорт намоёндалари, кенг жамоатчилик,
юртимизда фаолият кўрсатаётган диплома-
тик корпус ва халқаро ташкилотлар вакилла-
ри иштирок этди.

Давоми 3-бетда. ►

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ҲАЁТИНГИЗНИ ЯХШИ ТОМОНГА ЎЗГАРТИРАДИ!

Партиямиз сайловда бир қатор муҳим
таклиф-ташаббуслар билан чиқмоқда. Булар —
ижтимоий ривожланишнинг устувор йўналишлари,
аҳолининг кам таъминланган қатламлари,
пенсияерлар, ногиронларнинг ҳаёт даражаси ва
сифатини ошириш, барча фуқароларни кундалик
эҳтиёж товар ва хизматларидан фойдаланишини
таъминлаш, уй-жой ва коммунал хизматларни сотиб
олишнинг ижтимоий мақбуллиги, тиббий хизмат
кўрсатишнинг ижтимоий мақбуллиги билан таъминлаш,
таълим соҳасидаги ижтимоий устуворликлар,
маданий-гуманитар соҳадаги тенг имкониятлар билан
таъминлаш.

Партиямиз ижтимоий иқтисодиёт — бу кучли ижтимоий сиё-
сатнинг асоси деб ҳисоблайди ва бу борада биз ички бозорни
мамлакатимизда ишлаб чиқарилган юқори қўшимча қийматга эга
товарлар билан тўлдиришни барқарор иқтисодий ривожланишни
таъминлашнинг асосий омилли деб биламиз. Биз ишга жойлашти-
да қийинчиликларга дуч келаётган фуқароларимизга иш ҳақи да-
ражаси ижтимоий нафақалар миқдоридан юқори бўлган барқарор
иш ўринлари билан таъминлашга эришмоқчимиз.

Биз, шунингдек, давлат, жамият қурилиши ва суд-ҳуқуқ соҳа-
сида ижтимоий демократия ва ижтимоий тенглик, умуман олганда,
жамиятда ижтимоий барқарорлиқни таъминлаш тарафдоримиз.

Давоми 4-бетда. ►

Сайловчилар: «Ишончимизни оқлайдиган номзодга овоз берамиз»

Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
ва маҳаллий Кенгашлари
депутатлигига номзодлар
шу кунларда 22 декабрда
ўтказиладиган муҳим
сиёсий жараён олдиндан ўз
сайловолди ташвиқотини
амалга оширмоқдалар.
Ўзбекистон Халқ
демократик партияси
томонидан 41-Хатирчи
сайлов округидан Олий
Мажлис Қонунчилик палатаси
депутатлигига номзод этиб
қўрсатилган Қамолддин
Нурмуродов Навоий вилояти
Хатирчи туманидаги
сайловчилар билан учрашди.

Тадбирда номзоднинг
таржимаи ҳоли ва меҳнат
фаолияти, сайловолди
дастури ҳақида маълумот
берилди.

Номзоднинг дастурида
кам таъминланган
фуқаролар, пенсионерлар,
имконият чеklangан
инсонлар турмушини
яхшилаш, мамлакат
аҳолисини қийнаб келаётган
уй-жойга эга бўлиш ва
коммунал хизматлардан
фойдаланиш, ижтимоий
тенгликка асосланган таълим
ва бошқа муҳим ижтимоий
масалалар белгиланган
қайд этилди.

Учрашуларда номзод
сайловчиларни қизиқтирган
саволларга ҳам батафсил
жавоб қайтарди.

Хуршида НАРЗИЕВА
Ўзбекистон ХДП Навоий
вилояти Кенгаши сектор
мудир.

Давоми 4-бетда. ►

Давоми 2-бетда. ►

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ – ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ЭНГ МУҲИМ МЕЗОНИДИР

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Яқунлаётган йилда Давлат бюджети илк бор кенг муҳокама этилиб, очиклик ва ошқоралик руҳида қабул қилинди. Унда турли вазирлик ва идоралар ҳар бир сўмни нимага ва қандай харажат қилиши аниқ кўрсатиб берилди.

Фуқароларимиз ва депутатларимиз билдирган фикрлар асосида мактабларга мебель ва компьютерлар харид қилиш учун бюджет харажатларини қисқартириш ҳисобидан 50 миллиард сўм қўшимча маблағ ажратилди. Бундай ижобий ҳолат бизнинг тажрибамизда биринчи марта юз бераётганини алоҳида қайд этиш лозим.

Ёки кўпчилигининг хабардорсиз, кейинги пайтда жойларда даракларни оммавий равишда кесиш кучайиб кетган эди. Бу одамларнинг норозилигига сабаб бўлди. Шунинг учун мўҳида даракларни сабабсиз кесишга қарши мораторий эълон қилинди. Бу ҳам жамоатчилик фикри қандай кучли таъсирга эга эканига мисол бўла олади.

Буларнинг бари одамларимизнинг ижтимоий жараёнларга нисбатан масъулият ва дахлдорлик ҳисси ошиб бораётганини кўрсатади.

Айни вақтда жамоатчилик назорати «**Бир томонлама востига**»га айланиб қолмаслиги керак.

Давлат идоралари фақат фуқароларга эмас, балки ўзларига нисбатан танқидий фикрларни ҳам адолат билан, ҳолис кўриб чиқишлари лозим. Шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириш, қурилиш ва ободончиликка оид қарорлар, дастлаб ўша ҳудуддаги аҳоли ўртасида муҳокама қилиниб, жамоатчилик экспертизасидан ўтказилиши шарт.

Яна бир масалага диққатингизни жалб қилмоқчиман.

Конституцияга асосан судлар ўз фаолиятида мустақил, лекин уларнинг чинакам назоратчиси халқ бўлиши керак.

Судлар ва тергов идоралари бирон-бир иш юзасидан қачирилган қарор бўйича фуқароларнинг жамоавий мурожаатларига тушунтириш ва ҳуқуқий изоҳлар бериши зарур.

Шуни аниқ тушуниб олиш лозимки, **жамоатчилик назорати – бу фақатгина давлат идоралари фаолияти устидан назорат эмас, балки жамиятнинг ўзини ўзи бошқариш усули, бошқача айтганда, фуқаролик жамиятини тараққий топтиришнинг муҳим омилларидан биридир.**

Шунинг учун Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши, Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази, Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси келгуси йилда ҳар бир соҳа ва тармок бўйича жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг таъсирчан тизимини яратишга бош-қош бўлиши ва ташаббус қўрсатиши лозим.

Жамоатчилик назорати, биринчи навбатда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари, молия, банк, таълим, соғлиқни сақлаш, коммунал хўжалик, энергетика ва транспорт соҳаларида жорий этилиши зарур. Шунингдек, бозорлар ва савдо мажмуаларидаги маҳсулотлар ва хизмат кўрсатиш сифати каби масалалар ҳам доимо жамоатчилик назоратида бўлиши даркор.

Учинчидан, оммавий ахборот воситалари қонунийликни қарор топтиришда чинакам «жамият кўзгуси»га айланиши керак.

Сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган ислохотлар ўтган уч йилда жамиятимиз ҳаётида туб бурилиш ясади.

Бугунги кунда халқимиз орасида юриб, уни қийнаётган ижтимоий муаммоларни кўрсатиб бераётган энг катта куч – бу мустақил ва ҳолис оммавий ахборот воситалари вакиллариридир.

Демократик ислохотларимиз натижасида оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар мансабдор шахсларни ўз ишини қонуний асосда тўғри ташкил этишга ундамоқда. Шу сабабли ҳам давлат органлари фаолияти тўғрисидаги маълумотларни жамоатчиликка тўлиқ ва тезкор етказиш мақсадига уларнинг ҳар бирида матбуот хизмати иш бошлади.

Аслида, демократик жамиятда барча давлат хизматчилари оммавий ахборот воситалари билан яқин ижтимоий ҳамкорлик қилишга ўрганиши керак.

Маълумки, бугунги кунда аънавий ахборот воситалари билан бирга Интернет, ижтимоий тармоқлар, блогерлар жамоатчилик фикрини шакллантиришда катта роль ўйнамоқда.

Давлат ва жамият бошқарувида, кундалик фаолиятимизда очиклик ва ошқоралик тамойилларини қучайтириш мақсадига биз фуқароларнинг сўз эркинлиги, ахборот олиш ва тарқатишга оид конституциявий норманинг ижросини амалда тўлиқ таъминлашимиз зарур. Бунинг учун эса биринчи галда оммавий ахборот воситалари ҳақидаги қонунчиликни такомиллаштириш керак ва биз бу борада фаол иш олиб бормоқдамиз.

Шу муносабат билан жамоатчилик назорати ҳам, оммавий ахборот воситалари ҳам ягона бир мақсадга, яъни халқимизни рози қилиш ва унинг турмушини яхшилашга қаратилганини ҳаммамиз бирдек англашимизни истардим.

Ҳар бир давлат органи ижтимоий тармоқларда ўз саҳифасига эга бўлиши, амалга ошираётган ишлари ҳақида, керак бўлса, ҳар куни батафсил маълумот бериб бориши шарт.

Яна бир марта тақдорлайман, **Ўзбекистонда жамоатчилик назорати ва оммавий ахборот воситалари вакилларининг қонуний ҳақ-ҳуқуқларига ҳеч қандай шаклда таъйиқ ўтказиш**

га йўл қўйилмайди.

Тўртинчидан, қабул қилинаётган қонунлар олиб бораётган ислохотларимиз билан уйғун бўлган тақдирдагина ишлайди.

Бу – аини ҳақиқат, аксиомадир. Лекин айрим қонунларимиз замон талабларига мос эмас. Шу боис қонунларни ижро этиш механизмларини аниқ тизим асосида яратиш – долзарб вазифамиздир.

Келгуси йилдан бошлаб Адлия вазирлиги қонунчиликни янгилаш ва тизимлаштириш бўйича мутлақо янги иш услубига ўтиши зарур. Бунда Конституциямиз нормалари ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилиши лозим.

Бешинчидан, биз қанчалик мукамал қонунлар яратмайлик, қандай ислохотлар ўтказмайлик, агар фуқароларимизнинг ҳуқуқий билими, онги ва маданияти етарли бўлмаса, қутилган натижаларга эришиш мушкул бўлади.

Ҳуқуқшунос олимларнинг бундан бир неча аср аввал «**Ҳуқуқни англаш масъулият ҳиссини ривожлантиради**», деб айтган ҳикматли сўзлари ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмайди. Бошқача айтганда, Конституция ва қонунларга ҳурмат, ҳуқуқий онг ва маданият ҳар бир фуқаронинг, ҳар бир мансабдор шахснинг ҳаёт ва фаолият тарзига айланмоғи керак. Лекин ана шундай ҳуқуқий масъулиятни бугун ҳаммада ҳам шакллантира олаёلمизми?

Афсуски, бу саволга ҳозирча ижобий жавоб беролмаймиз. Мисол учун, деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати билан яратилган нонни халқимиз улуг ва азиз неъмат сифатида гўяда қадрлайди. Ноннинг қадрини айниқса ризқ-рўзимиқс бунёдқори бўлган деҳқон ва фермерларимиз жуда яхши биладилар.

Бугун ушбу муқташам саройда уларнинг энг муносиб вакилларини кўриб турганимдан жуда хурсандман.

Бу йил Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни Конституция байрами билан бир кунда нишонланаётгани бу айёмига ўзгача фойда бағишламоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, юртимиздаги барча деҳқон ва фермерларни чин қалбимдан самиимий муборакбод этиб, уларга юксак ҳурмат ва эҳтиром билдиришга рухсат этгайсиз.

Биз учун нон қанчалик азиз ва қадрли бўлса, заҳматкаш деҳқонларимиз, уларнинг меҳнати ҳам шунчалик азиз ва қадрлидир.

Ҳақиқатан ҳам, уруш ва очарчиликни бошидан кечирган бобо ва момоларимиз бизга болаликдан бошлаб нонни қўлимизга суртиб эъзозлашни ўргатганлар. Бу бизнинг буюк қадриятимизга айланган. Шу маънода, Яратгanning бебаҳо неъматларини, ҳаётдаги ижобий ўзгаришларни қадрлаш туғрисидаги фарзандларимиз қалбига ёшлагидан синдириб боришимиз зарур.

Яширишнинг ҳождати йўқ, олий ўқув юртига ўқишга кириш, тadbиркорликни бошлаш учун руҳсатнома ёки лицензия олиш, солиқ тўлаш каби кўп-кўп қундалик ҳаётий масалаларни ҳал этишда «қонунни четлаб ўтиш» бизнинг шароитимизда ёмон бир одатга айланган эди.

Бундай иллатнинг илдизларини қирқишга қаратилган ишларни, қандай қийин бўлмасин, аста-секин амалга оширмоқдамиз. Жумладан, болаларни бoчгaга жойлаштиришга электрон навбат, мактаблар ва олий таълимга ўқишга қабул қилишда очик ва ошқора тартиблар яратилди. Шунингдек, «ягона дарча» тамойили асосида 100 дан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилмоқда.

Аммо бу ўзгаришлар тўғрйли жамиятимиз салбий иллатлардан, қонунга бепасандлик ҳолатларидан батамом қутулди, деб айтишга ҳали эрта.

Очик тан олиш керак, аксарият одамларимиз бу масалада лоқайд ва бепарво бўлиб қолмоқда. Бугун олиб бораётган ислохотларимиз йўлидаги энг катта тўсик ҳам аслида шу эмасми?

Айрим фуқароларимиз бошқарув идораларидан масъулият талаб қилишни яхши билади-ю, лекин ўзининг жамият олдидаги, қонун олдидаги масъулияти ва мажбуриятини унутиб қўйди. Ҳолбуки, Ўзбекистонни янгилаш, миллий юксалишни янги босқичга кўтариш бу – ўз-ўзидан, осонликча бўлаётгани йўқ.

Ҳаммангиз кўриб турибсиз, қанчалик оғир ва мураккаб бўлмасин, бугунги кунда зарур куч ва имконият, маблағ топиб, қанча-қанча катта дастур ва лойиҳаларни амалга оширмоқдамиз. Янги-янги корхоналар, йўл ва кўприklar, бoчгa, мактаб ва шифохоналар, маданият ва спорт иншоотлари, кўпплаб уй-жойлар қурылмиш ва Худо хоҳласа, бундай ишларимизда янада кўпайтира-миш.

Халқимизда «**Қарс икки кўлдан чиқади**», деган мақол бор. Агар ўйлаб қарасак, бу мақол Конституциямиз нормаларига ҳам тўла мос келади. Яъни Асосий қонунимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари билан бирга, уларнинг бурч ва мажбуриятлари ҳам аниқ белгиланб қўйилган.

Кўпни кўрган муҳтарам кексаларимиз, фаол фуқароларимиз, азиз опа-сингилларимиз, зиёлилар, навқирон ёшларимиз бугунги ислохотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларда фидоийлик билан иштирок этаётгани шахсан менга катта куч-қувват бағишлайди. Имкониятдан фойдаланиб, барчангизга, бутун халқимизга бунинг учун чин юракдан алоҳида миннатдорлик билдираман.

Ишончим комил, биз мана шундай тинч ва осойишта ҳаётимизни қадрлаб, ўзаро ҳурмат ва аҳиллигимизни асраб-авайлаб, шукрона қилиб яшасак, Яратганимиз ўз неъматини халқимизга янада зиёда қилиб беради.

Азиз дўстлар!

Биз жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишларимизни узлуксиз давом эттиришимиз зарур.

Ҳуқуқий тарбияни мактабгача таълим тизимидан бошлашимиз, бу борадаги илк кўникмалар она алласи каби фарзандларимиз қалбидан умрбод ҳоқ олиши даркор.

Конституциямиз ҳар бир фуқаронинг онги ва қалбидан чуқур жой олган, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ кафолатлайдиган ҳақиқий ҳаёт қомусига айланмоғи лозим.

Ҳар бир соҳа ва йўналиш, таълимнинг барча босқичлари учун ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосланган дастури тайёрланиши керак. Бунда, авваламбор, Конституцияни ўрганишга жиддий ёндашим лозим. Умумтаълим мактаблари учун «Конституция алифбоси», «Конституция сабоқлари», «Конституция асослари» каби дарсликлари яратиш зарур, деб ҳисоблайман.

Адлия, Мактабгача таълим, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари бу ишларга масъул бўлади.

Ушбу фанлардан дарс берадиган ўқитувчиларни тайёрлашда уларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий савиясига алоҳида аҳамият бериш лозим. Шунингдек, ҳаётдаги адолат тантанаси, қонуний ҳақ-ҳуқуқлар тиклангани ҳақида қизиқарли кўрсатувлар, сериаллар, бадий фильмлар, театр асарлари яратиш ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эга.

Умуман олганда, қонун ва адолат тантанаси учун курашаётган инсонлар бугунги куннинг қаҳрамонлари бўлиши керак. Айнан шундай одамларнинг ҳаёти шоир ва адиблар, режиссёрлар, журналистлар учун ижодий мавзу бўлади, деб ўйлайман.

Қадрли ватандошлар!

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларига амал қилинишини таъминлаш, ҳар бир шахснинг қадр-қимматини эъзозлаш биз барпо этаётган очик, эркин ва адолатли жамиятнинг ажралмас хусусиятидир. Бундай принцип Асосий қонунимизда катъий белгиланган.

Конституцияда халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи сифатида муҳрлаб қўйилган ва бунда чуқур маъно бор. Бу қондилар мамлакатимизда демократия умуминсоний тамойилларга асосланиши, давлат ўз фаолиятини фақат инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб амалга оширишни англатади. Бунинг биргина шу йилнинг ўтган даврида Халқ қабулхоналарига келиб тушган 880 мингдан ортиқ мурожаатнинг 510 мингдан зиёди ижобий ҳал этилгани ҳам тасдиқлайди.

Шу муносабат билан ҳамма раҳбарларга яна бир бор эслатиб ўтмоқчиман. **Бизга умид ва ишонч билдирган, бизни раҳбар этиб сайлаган, эл-юртимизни, ҳар бир фуқаронни рози қилиш асосий бурчимиз эканини ҳеч қачон унутмайлик. Халқ биздан рози бўлса – Яратган ҳам биздан рози бўлади.**

Конституциямизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият сифатида муҳасаса этилгани бежиз эмас. Ана шу принципни амалга ошириш учун бизда қатъий сиёсий ирода ва етарли имкониятлар мавжуд. Бунинг учун биз, аввало, қўйдаги муҳим вазифаларни ҳал этишимиз зарур.

Биринчидан, инсон ҳуқуқларини таъминлаш самарадорлигини янада ошириш учун миллий стратегиямиз бўлиши лозим.

Кейинги йилларда мамлакатимизда бу борада кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани сизларга яхши маълум.

Бу йилнинг ўзида «**Шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги**», «**Жабранувчн, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги**» қонунлар қабул қилинди. Шунингдек, Халқаро меҳнат ташкилотининг «**Мажбурий меҳнат тўғрисида**»ги, «**Саноат ва савдода меҳнат инспекцияси тўғрисида**»ги конвенциялари ратификация қилинди. Бу бизнинг мажбурий меҳнатга қарши курашиш борасидаги қатъий ва ўзгармас позициямизни ифода этади.

Сўнгги йилларда жиноят содир этган шахсларни афв этиш бўйича 8 та фармон қабул қилиниб, 4 мингдан зиёд шахс жазони ўташ жойларидан озод қилинди. Ана шу ишларимизнинг манткий давоми сифатида куни кеча навбатдаги фармонга имзо чеқдим. Унга биноан жиноий қилмишга чин дилдан пушаймон бўлиб, тузалishi йўлига қатъий ўтган 92 нафар маҳкум афв этилиб, улар эркин ҳаётга қайтарилади.

Бу йил Халқия кўргондаги жазони ижро этиш колониясини ёлғимизни ҳам ана шундай инсонпарвар сиёсатнинг амалий намунаси бўлди.

Озодликдан маҳрум этилган шахсларга пенсия ва ижтимоий сугурта тўлаш тартиби биринчи марта амалиётга киритилди. Натижада манзил-колонияларда жазони ўтаётган пенсия ёшдаги 709 нафар маҳкумга пенсия пуллари тўлаб берилмоқда.

Биз аввал йўл қўйган хатомизни тузатиб, ушбу тоифадаги фуқароларнинг Конституциямизда белгиланган пенсия олиш ҳуқуқини таъминлаш йўлида дастлабки қадамни қўйдик.

Жорий йилда «Меҳр-1» ва «Меҳр-2» инсонпарварлик тadbирлари муваффақиятли амалга оширилди. Ана шу тadbирлар доирасида Яқин Шарқдаги қуролли можаролар майдонидан, Афғонистондан 261 нафар фуқаро, асосан аёллар ва болалар юртимизга қайтариб олиб келинди.

Уларга зарур тиббий ва моддий ёрдам кўрсатилди.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш ҳақида гапирганда, ўтган уч йилда 9 минг 692 нафар, жумладан, ушбу йилда 5 минг 868 нафар юртдошимиз Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилинганини таъкидлашни истар эдим. Лекин бу соҳада ҳали қиладиган ишларимиз кўп.

Аввало, юқорида зикр этилган Миллий стратегияни ишлаб чиқиб, шу асосда мазкур йўналишдаги сиёсатимизни изчил амалга оширишимиз керак. Ушбу стратегияда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид конституциявий тамойилларни рўйбга чиқариш механизмлари аниқ-равшан белгиланиши лозим.

Жамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш маданиятини шакллантириш, шу орқали мамлакатимизнинг халқаро нуфузини янада юксалтиришимиз зарур.

Миллий стратегия доирасида инсон ҳуқуқларини ўқитишнинг узлуксиз тизимини яратиш, умумтаълим мактаблари, олий ўқув юртлари, кадрларни қайта тайёрлаш марказларида «**Инсон ҳуқуқлари**», «**Бола ҳуқуқлари**», «**Аёллар ҳуқуқлари**» номли махсус ўқув курсларини жорий этишнинг вақти-соати келди, деб ўйлайман.

Иккинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни фақат ва фақат халқ манфаати йўлида оғишмай хизмат қиладиган идораларга айлантиришимиз лозим.

Ўтган уч йилда жабранувчилар, гувоҳлар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тизими яратилди. Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятига рухсат берилди. Соҳани ривожлантириш бўйича устувор йўналишлар ва зарур чора-тadbирлар тасдиқланди.

Хабарингиз бор, ўтган йилларда тинтув жараёнини, олинган кўрсатмаларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тергов эксперименти каби процессуал ҳаракатларни видео тасвир орқали қайд этиш шартлиги қонуний асосда белгиланган эди.

Бироқ аҳоли билан мулоқотлар ҳуқуқ бузилиши хавфи бўлган бошқа ҳолатлар бўйича ҳам шундай чораларни қўллаш зарурлигини кўрсатмоқда. Хусусан, шахсни ушлаб туриш, унга процессуал ҳуқуқларини тушунтириш каби жараёнларни, агар у ҳимоячидан воз кечса, бу ҳолатни ҳам мажбурий тарзда видео тасвирга тушириш тартибини ўрнатиш зарур.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан ушланган шахс махсус бинога олиб келинганидан кейин бу ҳақда унинг оила аъзолари дарҳол хабардор қилиниши керак. Бунинг суриштирувчи, терговчи ва бошқа ваколатли шахснинг мажбурияти сифатида қонунда аниқ белгиланб қўйилгани таъкид этаман.

Бундан ташқари, шахсни ушлаб туриш ва унинг ҳуқуқини кеклайдиган бошқа процессуал мажбурият чораларини қўллаш ҳолатларини ҳисобга олишнинг электрон тизимига ўтиш зарур. Бу жараёнда инсон омили иштирокини иложи борица камайтириш лозим.

Келгуси йилдан бошлаб прокурор қарори устидан судга мурожаат қилиш тартиби жорий этилади. Шу орқали суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида мувозанатли, яъни ўзаро тийиб туриш тамойилларини таъминлаш имкони яратилади. Бундай муҳим ўзгариш ҳам бизнинг тажрибамизда биринчи марта жорий этилмоқда. Сир эмас, илгари прокуратура идоралари ниҳоятда ёлғиз, назоратдан холи бир органга, таъбир жоиз бўлса, охириги инстанцияга айланиб қолган эди. Бунинг оқибатида қанча-қанча одамлар ноҳақ жабр чеккани, адолатсизликка дучор бўлгани ҳам аини ҳақиқат. Қанчалик оғир ва ноҳуш бўлмасин, биз шу ҳақиқатни тан олиш, бу соҳада қонунийлик ва адолатни қарор топтиришга киришдик.

Ишонаманки, прокурор қарори устидан судга мурожаат қилиш бўйича ривожланган демократик мамлакатларда амал қиладиган бундай тажрибани жорий этиш ҳаётимизда адолат меzonини мустаҳкамлашда улкан қадам бўлади.

Судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш биз учун энг устувор вазифадир. Айниқса, суд бирон-бир мансабдор шахснинг қўли етадиган идорага айланиб қолмишга мутлақо йўл қўймаслиқ шарт. Шу сабабли суд ишларига аралашгани ёки судга босим ўтказгани учун жавобгарлиқни қучайтириш лозим.

Кейинги пайтда Халқ қабулхоналарига келиб ташаётган мурожаатларнинг аксарияти суд, прокуратура, ички ишлар идоралари фаолиятидаги камчиликларга тааллуқли. Шунини инобатга олиб, ушбу идоралар халқимиз билан ишлашининг мутлақо янги тизимини яратиши зарур. Ҳар бир ариза ва шикоятнинг қонуний ечимини ана шу идоралар раҳбарлари фаолиятига берилган баҳо бўлади.

Бундай янги ўзгаришларни аввало, халқимиз, жумладан, юртимизда қонун устувор эканига ишониб сарможа киритаётган чет эллик ҳамкорларимиз ҳар томонлама ҳис қилишларини истардим.

Учинчидан, адвокатура институтини такомиллаштириш орқали инсон ҳуқуқларини таъминлашни янги босқичга кўтариш зарур.

Бу тизимнинг ҳуқуқий моқомини қучайтириш, адвокатлар ваколатларини кенгайтириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Лекин ҳали ўз ечимини топмаган муаммолар ҳам бор. Мисол учун, 33 миллиондан ортиқ Ўзбекистон аҳолиси-га фақатгина 4 мингта адвокат хизмат кўрсатаёт-

ганини ижобий баҳолаб бўлмайди.

Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги адвокатларнинг 60 фоизи 50 ёшдан ошган шахслардир. Улар орасида 30 ёшга тўлмаган ёшлар 70 нафарга ҳам етмаслигини қандай изоҳлаш мумкин?!

Бундай ачинарли ҳолатга барҳам бериш учун аввало адвокатлар нуфузи ва моқомини ошириш, адвокатура институтининг мустақиллигини таъминлашимиз шарт.

Яқин истиқболда Адвокатура институтини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш лозим. Ҳеч бир идора адвокатларнинг фаолиятига тўсиклик қилмаслиги шарт.

Айни вақтда адвокатларга нисбатан қўйиладиган малака талаблари ҳам ушбу концепцияда тўлиқ ақс этиши зарур. Бу борада биз ривожланган давлатларнинг илгор тажрибасини ҳар томонлама ўрганишимиз керак.

Тўртинчидан, виждон эркинлиги, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикентлик, мамлакатимизда ва хорижда фуқароларимизни кафолатли ҳимоя қилиш бундан бўён ҳам давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади.

Шу мақсадда фуқароларимизнинг муқаддас зиёратларни адо этиш билан боғлиқ имкониятларни сезиларли даражада кенгайтирилди. Жумладан, умра зиёратига борувчилар сони 10 мингдан 30 мингга, ҳаж зиёратига борувчилар эса 5 мингдан 7 минг 200 нафаргача оширилди, сафар билан боғлиқ харажатлар эса камайтирилди.

Умуман, сўнгги йилларда мамлакатимизда виждон эркинлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган катта ишлар сизларга яхши маълум, деб ўйлайман.

Бугунги кунда маҳаллий ва хорижий нуфузли экспертлар иштирокида биз «**Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида**»ги қонунни янги тахрири устида иш олиб бормоқдамиз. Ушбу қонун фуқароларимизнинг виждон ва эътиқод эркинлиги борасидаги конституциявий ҳуқуқларини тўла таъминлашга хизмат қилади.

8 декабрь – Конституция куни

КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ – ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ЭНГ МУҲИМ МЕЗОНИДИР

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Олтинчидан, фуқароларнинг Конституцияда белгиланган мулк ҳуқуқи дахлсиздир ва доим давлат ҳимоясида бўлади.

Биз ўтган йиллар давомида тadbirkorлик йўлидаги ортқиқа чекловларни бартараф қилиш, уларнинг фаолиятига давлат идораларининг ноқонуний аралашувини қатъий чеклаш борасида салмоқли ишларни амалга оширдик. Жумладан, коррупцияга йўл очиб бераётган ер ажратиш амалиёти тубдан ислоҳ қилинди. Бу жараён эндиликда ер ажратиш электрон тизими орқали амалга оширилмоқда.

Келгуси йил 1 январдан бошлаб ҳокимларнинг қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерларни олиб қўйиш бўйича ваколати халқ депутатлари Кенгашларига берилади. Бу ўзгариш ҳам мулк дахлсизлигини таъминлаш йўлидаги жиддий қадамлардан биридир.

Бундан ташқари, ерни олиб қўйиш ва компенсация тўлашнинг янги тартиби, ер фақат мулк эгасининг розилиги билан олинишига оид қоидалар жорий қилинди. Шу билан бирга, мулк дахлсизлиги тўғрисидаги қонунларга амал қилмаган мансабдор шахсларга нисбатан, улар қандай лавозим эгаси бўлишдан қатъи назар, жавобгарлик кўчатирилди. Шунингдек, компенсация миқдори тўғрисида тарафларда келишмовчилик вужудга келса, энди бундай ҳолатлар фақат суд йўли билан ҳал этилади.

Маълумки, шу пайтга қадар ҳокимлар ердан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган қарорларни ўзлари қабул қилар, вақти келганда эса, уларни ўзлари бекор қилиш ҳам мумкин эди. Энди ана шу ваколатни чеклашнинг фурсати етди. Чунки бундай ваколат фақат ҳокимга берилиши турли адолатсизликларга сабаб бўлишини кўп мисоллар кўрсатибди. Бундай масалалар энди фақат суд тартибига ҳал қилинади.

«Давоми, бошланғич 1-2-бепларда.

Бизнес-омбудсман томонидан тadbirkorлик субъектларининг мулк ҳуқуқларини ноқонуний чеклаш билан боғлиқ ҳолатлар аниқланган тақдирда, унга тadbirkor манфаатларини қўлаб судга мурожаат қилиш ҳуқуқини бериш лозим.

Соҳада очиклик ва ошқораликни таъминлаш учун ҳокимларнинг фуқароларга ер бериш ҳақидаги қарорларини тегишли сайтларда эълон қилиб бориш амалиёти йўлга қўйиш керак.

Биз жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқи кафолатларини таъминлаш мақсадида халқаро андозаларга жавоб берадиган ислохотларимизни бундан буён ҳам қатъий давом эттирамиз.

Бир сўз билан айтганда, **мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш учун биз ҳаётимизнинг барча жабҳаларида конституциявий назоратни кўчатиришимиз зарур.** Бу эса пировард натижада инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг шаъни, қадр-қиммати, мол-мулкнинг дахлсизлигини сақлаш, фуқароларнинг меҳнат қилиш, таълим олиш, тиббий ёрдамдан фойдаланиш каби энг асосий ҳуқуқларини тўла таъминлаш имконини беради.

Қадрли юрдошлар! Маълумки, шу йил 22 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди.

«Янги Ўзбекистон – янги сайловлар» шiori остида ўтатган бу кампания мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги гоят муҳим воқеадир.

Конституциямизга мувофиқ, фуқаролар давлат ва жамият ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга. Сайловда ўзига маъқул бўлган номзод ёки бирон-бир партия илгари сураётган дастур учун овоз бериш, уларни қўллаб-қувватлаш вакиллик демократиясининг аяқол кўринишидир.

Ўтган қисқа даврда сайловга оид 21 та қонун

тизимлаштирилиб, Ўзбекистон тарихида илк бор ягона **Сайлов кодекси** қабул қилинди. Бу миллий қонунчилигимизни мустаҳкамлаш, демократик сайловларни ўтказишни янада такомиллаштириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Мазкур кодексдаги энг катта янгиллик сиёсий майдоннинг тўлиқ сиёсий партияларга берилиши билан боғлиқ, десак, адашмаган бўламиз. Унга мувофиқ, сиёсий партиялар Қонунчилик палатасига бўлиб ўтадиган сайловда илгаридек 135 та эмас, балки тўлиқ – 150 та сайлов округидан ўз номзодларини кўрсатади.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати учун белгиланган қўлатинг бекор қилингани ҳам сиёсий ҳаётда соғлом рақобатни шакллантиришга хизмат қилади.

Сайлов кодексига мувофиқ сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқлари ҳам кенгайтирилди. Энди вакил сайлов комиссияси мажлисларида, ҳужжатларни топширишда, имзо варақалари қандай тўлдирилганини текширишда қатнашади. Шунингдек, у сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқига ҳам эга.

Буларнинг барчаси сайлов жараёнида очиклик ва ошқораликни, жамоатчилик назоратини оширишга хизмат қилади.

Бу йилги сайловларда фуқароларимиз эркин овоз беришлари учун жойларда 6 минг 720 та округ ва 10 минг 253 та сайлов участкаси ташкил этилди.

Фуқароларнинг сайлаш ва сайланишга оид ҳуқуқлари янада кенгайтирилди ва амалда бўлган қўлаб чекловлар бекор қилинди.

Конституциямизда белгиланган фуқароларнинг сайловда иштирок этиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида бу йил янги бир қадам қўйдик. Энди оғир ва ўта оғир бўлган жиноятларни содир этган шахслар ҳам сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди. Шу асосда бўлажак сайловларда озодликдан маҳрум этилган 1 минг 905

нафар шахс ҳам иштирок этиши учун қонуний имконият яратилди.

Ҳеч шубҳасиз, янги Сайлов кодекси ва ундаги 30 дан ортқиқ янги демократик қоидалар сайлов қонунчилигимизни янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Бу йил мамлакатимизда 5 та сиёсий партия сайловда иштирок этмоқда. Халқимиз ҳаётини муаммолар ва уларнинг ечимини яхши биладиган, ислохотлар самарасига хизмат қиладиган қонун ва қарорлар қабул қилишда жонбозлик кўрсатадиган, катта билим ва малакага эга инсонлар депутат бўлишини хоҳлайди. Шунинг учун қўлатариявийлик асосида сайланадиган янги парламентимиз, биринчи навбатда, халқимиз ва Ватанимиз манфаатларини ҳимоя қилишга қодир бўлган депутатлардан иборат бўлиши лозим.

Сайлов жараёнида ўнлаб халқаро ташкилотлар, Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг тўлақонли миссияси кузатувчилари ҳамда 40 дан ортқиқ хорижий давлатдан 600 дан зиёд кузатувчи қатнашиши кутилмоқда.

Ушбу сайловлар орқали халқимиз бугунги ислохотларимизга баҳо берса, жаҳон ҳамжамияти янгиланаётган Ўзбекистонга баҳо беради.

Ўйлаймани, ҳар бир юрдошимиз ўзининг конституциявий ва фуқаролик бурчини, Ватанимиз тақдирини ва келажагини оғидидаги масъулиятини англаб, юртимиз равнақи, халқимиз тинчлиги ва фаровон ҳаёти учун, фарзандларимизнинг бахти ва камоли учун овоз беради.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Барчамизга яхши маълумки, ҳозирги кунда дунё шиддат билан ўзгариб бораётган. Инсониятнинг тақдирини ва келажагини таҳдид солаётган хавф-хатарлар тобора кучайиб бормоқда. Жаҳон миқёсида шафқатсиз рақобат, турли зиддият ва қарама-қаршиликлар, савдо урушлари гоёт кескин тус олмақда.

Мана шундай мураккаб шароитда биз фақат халқимизнинг ақл-заковати, буқилмас иродаси ва салоҳиятига, ўз куч ва имкониятларимизга таяниб, айна вақтда дунё ҳамжамияти билан ҳамкор бўлиб, дадил олднинг боришимиз шарт. Бу борада бизга Конституциямиз ҳамisha раҳнамо бўлиб, беқийс куч-қудрат манбаи бўлиб хизмат қилади.

Биз бугун ўз олдимизга катта-катта мақсадлар қўйиб, маррани баланд олдик.

Ўзбекистонда демократик ислохотлар муқаррар тус олди ва ҳеч ким, ҳеч қандай куч бизни ўз танлаган йўлимиздан қайтара олмайди.

Бу – бугунги ҳаёт, бугунги замон талаби.

Бу – кўп миллатли, баргикенг, меҳнаткаш ва олижаноб халқимизнинг хоҳиш-истаги.

Ва биз халқимизнинг тўб манфаатлари, унинг эзгу орзу-интилишларини ифода этадиган ана шундай сиёсатни жадал давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки уни янги, янада юксак босқичга кўтарамиз.

Эл-юртимиз, жаҳон ҳамжамияти бизга катта ишонч билан қарамоқда. Ана шу юксак ишончга ҳар томонлама муносиб бўлиб, қатъият билан олға интилиб, қўлаган улуг мақсадларимизга биргаликда албатта етамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги маросимда иштирок этаётган, эзгу ташаббус ва ислохотларимизни қўллаб-қувватлаб келаётган муҳтарам элчиларга, халқаро ташкилотлар вакилларига ўз номимдан, халқимиз номидан чексиз миннатдорчилик билдиришга руҳсат бергайсиз.

Сизларни, бутун халқимизни кутлуг айём – Конституция куни билан яна бир бор чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт-саводат, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик ва файзу барака тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

ИННОВАЦИЯ – МУВАФФАҚИЯТЛАР АСОСИ

“Биз учун **нон қанчалик азиз ва қадрли бўлса, захматкаш деҳқонларимиз, уларнинг меҳнати ҳам шунчалик азиз ва қадрлидир.**

Ҳақиқатан ҳам, уруш ва очарчиликни бошидан кечирган бобо ва момоларимиз бизга болаликдан бошлаб нонни кўзимизга суртиб эъзозлашни ўргатганлар. Бу бизнинг буюк қадриятимизга айланган.”

Давлатимиз раҳбарининг Бош Қомусимиз 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида билдирган бу фикрларини тинглар эканман, болалигимизда ота-онамиз устозларнинг ноннинг ушоғи ҳам азиз, унинг ерга тушганини кўзга суртиб эъзозлаш зарурлиги ҳақидаги ўғитлари ёдимга келди. Эндиликда олтимизи қоралаб қўйганимга қарамай, ана шу насихатларга ҳозиргача амал қилиб, фарзанду неваралар қалбига бебаҳо неъматларни қадрлаш туйғусини синдиришга ҳаракат қиламан. Бу ўз навбатида ҳаётимизда рўй бераётган иқобий ўзгаришлар билан уйғунлиқда кечаётгани зиммамизга янада масъулият юклайди.

Деҳқонларимизнинг бу йилги меҳнатига қанча тақсир айтсак, эъзозласак шунча оз, албатта. Мавсумнинг қирқ кун и ёмғирли, яна шунчаси жазирамалли бўлишига қарамай, деҳқонлар фермерларнинг ақл-заковати ва пешона тери билан 7 миллион 130 минг тонна галла, 2 миллион 845 минг тонна пахта, 19 минг 600 тонна пилла, 21 миллион тонна мева-сабзавот, 400 минг тонна шол, 2 миллион 600 минг тонна гўшт етиштирилди, 11 миллион тонна сўт маҳсулотлари тайёрланиб, 8,1 миллиард дона тухум олинди.

Албатта, бундай марраларга эришишда уларга инновацияга асосланган тизимлар кўп келяпти, янгила ёндашувлар натижа-сида экспорт салоҳиятимиз ортиб бораёпти. Хусусан, жорий йилда пахта ҳосилининг 73 фоизи пахта-тўқимачилик кластерлари ҳис-сасига тўғри келди, 1,3 миллиард АҚШ доллари қийматидаги 1,5 миллион тонна мева-сабзавот экспорт қилинди. Энг муҳими, бу борадаги ишлар келгусида янада кенг қўлам касб этиб бораверади. 2020 йилда мева-сабзавот маҳсу-лотларининг экспортини 2,5 мил-лиард долларга, яъни уч йилда эса 5 миллиард долларга етказиш мақсад қилиб қўйилган.

2020 йилда ҳам инновацияга асосланган инвестиция лойиҳа-ларини амалга ошириш ишлари давом эттирилади. Хорам билан вило-я-тида

тида 7 гектар майдонда янги қу-рилатган замонавий иссиқхона-да йилгига 175 тонна экспортбўл қовун етиштириш йўлга қўйила-ди. Ҳиндистоннинг «Kalash Seeds» селекция компанияси билан бир-галикда Андижон вилоятининг Аска туманида юқори техноло-гик уруғчилик кластери ташкил этилади.

АҚШнинг «Valmont Industries» компанияси билан ҳамкорликда Навоий вилояти Қизилтепа ту-манининг 100 гектар майдонига ёмғирлатиб сугоришнинг замона-вий технологияси жорий этилиб, бошқа ҳудудларда ҳам бу борада олиб борилаётган ишлар кўлами янада кенгайди. Жанубий корея-лик компанияларнинг инвести-циялари ҳисобига Самарқанд ва Жиззах вилоятларида оқ мағзили ярим пакана ёнғокнинг қўчат-зор плантацияси барпо этилади, унинг ниҳоллари бошқа вилоят-ларга ҳам етказиб берилади. Бу лойиҳанинг аҳамиятли томони, етиштирилган ёнғокларнинг ак-сарият қисми экспорт қилинади. Сабзавот ва полиз эканлари уруғ-чилиги бўйича иш бошлайдиган станцияларнинг фаолияти ҳам асосан шу мақсадга йўналтири-лади. Хусусан, Бухоро вилояти-нинг ўзсизда яқин истиболда 50 минг гектар майдонда замонавий иссиқхоналар қуриш белгиланган.

Келгуси йилдаги инновацион лойиҳаларга доир мисолларни яна қўллаб келтириш мумкин. Яна бир муҳим томони, ҳудудларнинг инновацион ривожланишини таш-кил қилиш ва такомиллаштириш мақсадида ҳар бир вилоятнинг 2030 йилгача бўлган муддатга мўлжалланган дастурларини иш-лаб чиқиш режалаштирилмоқда. Мазкур дастурлар иқтисодиёт-нинг барча соҳаларини ўз ичига олади, уларнинг ўзаро уйғунлиқда ишлашини таъминлайди.

Яқин истиболда бошқа соҳа-лардаги каби қишлоқ ҳўжалигига доир инновацион дастурларда ҳам катта-катта мақсадлар қам-раб олинган. Президентимиз эътибор этганидек, юксак мар-раларга эришишда Конституция-мизда белгиланган ҳуқуқларимиз бизга раҳнамо бўлади, куч-қудрат манбаи бўлиб хизмат қилади. Де-макки, эзгу орзу-интилишларни ифода этган ислохотлар жадал давом этади. Нафақат давом эта-ди, балки янги, янада юксак бос-қичга кўтарилиб бораверади.

Ахтам ДОЛИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Инновацион
ривожланиш вазирлиги
бўлим бошлиғи

МУНОСАБАТ



ОЗОД ВА ЭРКИН ҲАЁТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

Президент Шавкат Мирзиёев халқимизни ушбу кутлуг айём билан муборакбод этиб, Асосий Қонуни-мизда белгиланган фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги устувор йўналишлар ҳақида маъруза қилди.

Ўзбекистон янги тараққиёт йў-лидан олға илдамламоқда. Барча соҳада жадал суръатда олиб борилаётган ислохотлар, аввало, халқимиз фаровонлигини юксалти-риш мақсад қилган. Ўзига хос йил сарҳисобига айланган Конституция байрамида яқунланган йилда баҳарлигаш ишлар кўп олдимиздан ўтди, нималарга эриша олдиқ, қайси вазифаларни урдадашда суқташликка йўл қўйилди, деган савол кўндаланг бўлади.

Давлатимиз раҳбари ўз маъру-засида шу масалага эътибор қарат-ди. Мамлакатимизда қонунийлик-ни таъминлаш, давлат ва жамият бошқарувида, қудалик ҳаётимизда очиклик ва ошқоралик таъминла-рини қарор топтириш, халқимизни рози қилиш борасидаги вазифа-ларга тўхталди.

Асосий Қонуни-мизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият сифатида белгиланган. Мамлакатимизда бун-дан уч йил олдин халқ билан муло-қотнинг муқлақ янги шакли – Халқ қабулхоналари ташкил этилгани фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаат-ларини ҳимоя қилишда муҳим омили бўлаётганини таъкидлаш жоиз.

Бугун барча даражадаги давлат идораларида мурожаатлар билан ишлаш, одамларни тинлаш, муам-моларини ҳал этиш биринчи дара-

жали масалага айланди. Одамлар-ча адолатга, қонун устуворлигига ишонч ортди. Энг муҳими, юрдош-ларимизда ён-атрофидаги муаммо-ларга, ижтимоий жараёнларга нис-батан дахлдорлик тўғриси кучайди.

Лекин шу билан бирга қонун-ларнинг муқаммал ишллари, шахс, жамият ва давлат ўртасидаги му-носабатлар тўла рўёбга чиқиши, соддароқ айтганда, ислохотлар ҳаётимизда ўз ифодасини топиши учун фуқароларда ҳуқуқий онг ва маданият шаклланиши бўлиши за-рур. Фуқароларда, барча бўғиндаги раҳбарларда Конституция ва қонун-ларга итоат туйғуси қарор топсаги-на жамиятимиз ўзгаради, ҳаётимиз янада фаровон бўлади.

Президентимиз ўз маърузасида қонун устуворлигини таъминлаш демократик ҳуқуқий давлатнинг бош мезони ҳисобланиши, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ишлаб чиқаётган ҳужжатлар, ман-сабдор шахсларнинг хатти-ҳаракат-лари фақат ва фақат Конституция ҳақида қонунларга мувофиқ бўлиши шартлигини алоҳида таъкидлади. Конституция ва қонун устуворли-гига эришишда жамоатчилик назо-ратидан самарали восита йўқ экан-ни, қонунийликни қарор топтириш, қонун бузилишига қарши курашиш борасида жамоатчилик ва омма-вий ахборот воситалари «уйғонгани» қайд этилди.

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ма-даниятни юксалтириш борасидаги ишларни улуқсиз давом эттириш, бу борадаги қўнималарни фар-зандлар тарбиясига болалиқдан синдириш кераклигига эътибор қа-ратилди.

Бош қомусимизда белгилан-ган инсонпарвар таъмоиллар тўла амалга оширилмоқда. Сўнгги йил-ларда Президентимизнинг жиноят

содир этганларни афв этиш бўйи-ча 8 та фармони қабул қилиниб, 4 мингдан зиёд шахс жазони ўташ жойларидан озод қилинди.

Конституция байрами арафа-сида давлатимиз раҳбари яна бир шундай фармонга имзо чекди. Унга биноан, жиний қилмишига чин дилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган 92 нафар маҳ-кум афв этилди. Жорий йилда Жас-лик қўғонидидаги жазони икром этиш колонияси ёлпигани ҳам инсонпар-вар сиёсатнинг амалий намунаси бўлди.

Ўтган уч йилда 9 минг 692 на-фар, жумладан, бу йил 5 минг 868 нафар шахс Ўзбекистон фуқароли-гига қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни фа-қат ва фақат халқ манфаати йўли-да оғимай хизмат қиладиган идо-раларга айлантириш зарурлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Дав-лат маҳдиҳиси янгради. Байрам тантанасига йилгиланган қўла-рини кўксига қўйиб, Мустақиллигимиз қўшиғига жүр бўлди.

Бугунги шиддатли даврда оп-димизга қўйган юксак марраларга эришишда, халқимиз учун ҳеч ким-дан кам бўлмаган ҳаёт барпо этиш, иқтисодиётимизни жадал ривож-лантириш, энг муҳими, мамлакатимизнинг ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олиши-да мустақил тараққиётимиз, озод ва эркин ҳаётимизнинг мустаҳкам пойдевори бўлган Конституциямиз беқийс куч-қудрат манбаи бўлиб хизмат қилаверади.

Тантанали маросимда юртимиз санъат усталари ва ёш икромчилар иштирокида концерт дастури намо-йиш этилди.

ЎЗА

ИСЛОҲОТЛАР АМАЛДА НАТИЖА БЕРАЯПТИ

Ўзбекистон Конституцияси қа-бул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маро-симда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг маърузасини теле-визорда кўрдим, газетада ўқидим. Жамоатчиликка қарата айтилган ҳар бир гапнинг мағзини қақишга ҳаракат қилдим. Айниқса, “Қонун устуворлиги – бу давлат ҳокимия-ти ва бошқаруви органлари чиқа-раётган ҳужжатлар, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари фақат ва фақат Конституция ҳақи-да қонунларга мувофиқ бўлиши шарт, деганидир. Шу боисдан ҳам барча бўғиндаги кадрлар, у хоҳ вазир, ҳоким ёки оддий фуқаро бўлсин, Конституция ва қонунлар-ни пухта билиши, уларнинг икром-сини тўғри ташкил этиши ҳамда биринчи навбатда бу қоидаларга бутун жамият аъзолари қатъий амал қилиши шарт бўлган муҳит яратилишимиз зарур”, деган сўзлар юрагимдан чуқур жой олди.

Конституциямизда шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари барча нар-садан устуңлиги эътироф этилган, Бу аждодларимизнинг эркин ҳаёт, фаровон жамият ва адолатли давлат барпо этишдек энг эзгу тилақлари ва улуг орзулари рўё-бидир.

Шўро тузуми даврида фуқаро-ларнинг асосий ҳуқуқлари, эркин-ликлари ва бурчларига эътибор қи-ларган давлатлардан кейинги ўринга қўйилган. Мустақиллик йилларида қабул қилинган Кон-ституциямизнинг 13-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний прин-ципларга асосланган, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркин-лиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Лекин йил-лар давомида оддий халқнинг дарди ичиде йилгилб қолди, уни тингла-ди, ҳаётимиздаги ўқитувчининг мағвасини оширишга қаратилиши лозим, деган талабни қўйди. Ў-тган йиллар давомида ўқитувчи-ларни мажбурий меҳнат ва тур-ли тadbirkorларда иштирок этишга мажбурлаш амалиётидан воз кечилди. Улар мажбурий обўна, турли хил ташкилотларга аъзо-лик бадалини тўлаш, чипта сотиб олиш, ойлигининг бир қисмини ноқонуний ҳашар орқали қайси-дир ташкилотга ўтказиб бериш каби қўллаб қерак-ноқерак даҳ-мазалардан қўтилди.

Илгари халқ таълими тизи-ми ходимларининг ўртача ойлик маошлари республикадаги ўрта-ча ойликдан анчагина пасайиб кетган эди. Эндиликда алоҳида қарор билан педагогларнинг ой-ликлари оширилди. Ушбу жараён-ни тизимли равишда олиб бориш учун 2030 йилгача халқ таълими тизимини ривожлантириш кон-цепциясида ҳам ўқитувчиларнинг ойликлари босқича-босқич оши-риб бориш режалаштирилган. Биз албатта бундай ислохотлар-дан хурсандим.

лардан қўйилаётган номзодлар билан учрашувларда ҳам сези-либ турибди. Халқ “Янги Ўзбе-кистон: янги сайловлар” фор-матидеги вакиллик органлариға бўлажак сайловдан Ўзбекистон профессионал парламент шакл-ланиши қўллаб-қувватлаб келаётган муҳтарам элчиларга, халқаро ташкилотлар вакиллариға ўз номимдан, халқимиз номидан чексиз миннатдор-чилик билдиришга руҳсат бергайсиз.

Сизларни, бутун халқимизни кутлуг айём – Конституция куни билан яна бир бор чин қалбимдан самимий муб

Жамиятимизда хотин-қизларга ҳурмат билан қараш миллий менталитетимиз ва анъаналаримизга хос.

ХДП ФРАКЦИЯСИ ТАКЛИФЛАРИ

иккинчи ўқишдаги тузатишларда инобатга олинди(ми)?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда депутатлар томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасида кўрилатган бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама этилди.

Дастлаб депутатлар «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳасини иккинчи ўқишдаги тузатишлари бўйича масалани муҳокама қилишди.

Қайд этиш керакки, Солиқ кодекси лойиҳаси иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида қўллаб-қувватловчи қўшимчалар ўқатилди. Унда депутатларимиз ҳам фаол иштирок этди, фракция позициясидан келиб чиқиб аҳоли ва тадбиркорларга янада енгилликлар яратиш бўйича бир қатор таклифлар берилган эди.

Бундан аввалги йиғилишларда фракциямиз аъзолари томонидан янги ташкил қилинган кичик бизнес субъектларига маълум муддат солиқ имтиёзи берилиши, банкдан кредит олиб иш фаолиятини олиб бораётган тадбиркорларга кредитни ёлғунича бўлган муддатда фойда солигини тўлашда енгилликлар бериш бўйича бир қатор таклифлар берилган эди. — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Феруза Эсиметова. — Шунингдек, маъмурий ишлар билан банд аҳолига мавсумдан ташқари пайтда — тадбиркорлик фаолиятини юритмаган даврда солиқ таътили бериш масаласини ҳам кўтардик «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳасини иккинчи ўқишдаги матнда ушбу йўналишлар инобатга олинганга гувоҳ бўлиш мумкин.

ЎзХДП фракцияси аъзолари иккинчи ўқишга тайёрланган қонун лойиҳасини партия электорати манфаатларидан келиб чиқиб, қизгин муҳокама этишди ва таклифларини баён қилган ҳолда қўллаб-қувватлашди.

Шунингдек, депутатлар Қонунчилик палатасида Ўзбекистон ХДП фракцияси ташаббуси билан киритилган «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилишди.

Йиғилишда таъкидланганидек, қонун лойиҳасининг мақсади йўл-қўриқлиш ишлари сифатини назорат қилиш, муҳандислик коммуникацияси тармоқларини қуриш ва таъмирлашда шаҳар кўчалари ва бошқа аҳоли пунктларининг йўл қопламасини демонтаж қилиш ҳамда тиклаш бўйича ишларни назорат қилиш функциялари, автомобиль йўлларини ўзбошимчилик билан қазиш, уларда сунъий ноте-кисликлар ва тўсиқлар яратиш, ишлар олиб бориш учун берилган рухсатнома талаблари-ни бажармаслик ҳамда сақлаш қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик қўллаш тартибларини белгилашдан иборатдир.

Қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида ўтказилган назорат-таҳлил тадбирлари шуни кўрсатдики, 2019 йилнинг ўтган даври-да Тошкент шаҳрида автомобил йўлларини балансида сақловчилар томонидан комму-нал хизмат қорхоналарида 574 та рухсатно-ма берилган. Шундан 254 та ҳолатда йўлнинг асфальт қопламаси сифатсиз тикланганлиги ёки умуман қайта тикланмаганлиги, шунинг-дек, 110 та ҳолатда рухсатномаларсиз иш-лар олиб борилганлиги аниқланди. Тошкент вилоятида 27 та, Самарқанд вилоятида 18 та, Сирдарё вилоятида 11 та, Андижон ви-лоятида 20 та жойда тегишли рухсатномасиз қазиш ишлари олиб борилганлиги маълум бўлди.

Амалдаги қонунни қўллашда шаҳарсоз-лик талабларига масъул бўлган назорат органларининг масъулиятларини аниқлаш-тириш, амалдаги нормаларга фойдаланил-ган жумлаларни ўзаро мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодек-сига йўл-қўриқлиш ишлари сифатини назорат қилиш органлари ваколатларини белгилочи алоҳида янги 2684-модда киритиш таклиф этилмоқда. Яъни, автомобиль йўлларини ўзбошимчилик билан қазиш, уларда сунъий ноте-кисликлар ва тўсиқлар яратиш, автомо-биль йўлида ишларни амалга ошириш учун берилган рухсатнома талабларини бажар-маслик, шунингдек, йўлларни сақлаш қои-даларини бузиш ва йўл-қўриқлиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилишига тааллуқли маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақ-дирда, мансабдор шахслар маъмурий ҳу-қуқбузарлик тўғрисида баённома тузади. Шу билан бирга, мазкур инспекция юқоридаги тузилган баённомаларни судга киритиш ва-колатига ҳам эга бўлмоқда.

Фракция йиғилишида, шунингдек, яна бир қатор қонун лойиҳалари партия электорати манфаатларидан келиб чиқиб, қизгин муҳокама этилди. Йиғилишда кўриб чиқилган барча қо-нун лойиҳалари бўйича фракция ўз позиция-сини белгилаб олди.

ЎзХДП Марказий Кенгаши ахборот хизмати.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ҲАЁТИНГИЗНИ ЯХШИ ТОМОНГА ЎЗГАРТИРАДИ!

Ушбу тезисларда нафақат партиямиз аъзоларининг эзгу орзу-умидлари акс эттирилган балки уларда олдинги йиллардаги лойиҳаларимиз доирасида олиб борил-ган, барча ҳудудларда амалга оширилган ишлар ва ижтимоий тадқиқотлар тажриба-сининг пойдевори бор. Мазкур сайловол-ди тезислари ҳам чекка посёлка ва шаҳар-лар, ҳам йирик мегаполисларда яшайди-ган турли касб, ёш ва миллат вакиллари орзу-умидларининг ўзига хос моҳиятидир.

Ҳар бир сайловолди йўналиши янги қо-нунларни қабул қилиш, таклиф этилаётган қарорларни амалга оширишда, самарали меҳанизмларни яратишда аниқ ҳаракат-лар дастури ва таклифларни назарда ту-тади.

Мисол тариқасида, уларнинг бир неч-тасига тўхталиб ўтаман.

Жамиятимизда хотин-қизларга ҳурмат билан қараш миллий менталитетимиз ва анъаналаримизга хос. Давлатимиз томо-нидан хотин-қизларга ҳар томонлама ҳуқу-қий, психологик, ижтимоий кўмак беришга қаратилган турли институтлар, қўмиталар, жамғармалар ташкил этилган ва қўллаб-қув-ватланмоқда.

Ўз тузилмасида мавжуд бўлган ва ривож-ланаётган "Фаол аёллар" хотин-қизлар йўна-лишига эга партиямиз жамоатчилик ташки-лоти сифатида бу борадаги амалий ишлар-ни олиб боришда ҳам катта тажрибага эга.

Масалан, биз партиянинг ижтимоий сий-сат ва аҳоли бандлиги бўлимлари билан ҳамкорликда қўллаб лойиҳаларни амалга оширдик. Бунинг амалий натижаси сифатида маҳаллалар, фуқароларни ўзини ўзи бошқа-риш органлари ҳузурида иш ўринларининг ташкил этилиши, касаначиликнинг турлар-ни ривожлантиришни кўрсатиш мумкин. Бу имкониятлар декрет таътилида бўлган ёки фарзанди туғилганидан сўнг ёхуд ажримдан кейин маълум шароитлар туфайли ишсиз қолган аёллар учун яратилди. Партия каса-начиликка оид мазкур масалаларни ҳуқу-қий тартибга солиш мақсадида ЎзР Меҳнат кодекси ва қатор бошқа қонунларига ўзгар-тишлар киритишга эришди. Амалиёт бунинг жойларда ривожлантирилиши зурур бўлган йўналиш эканини кўсатди ва Ўзбекистон ХДП хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари бўйича парламент, депутатлик ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш ниятида.

Шу боис биз кам таъминланган оила аъзолари, жумладан, ишсиз, меҳнатга ла-қақтли ногиронлар, хотин-қизларнинг тадбир-корлик фаолияти ва касаначилик меҳнатини давлат ва давлат-хусусий шерикчилиги то-монидан рағбатлантириш тизимини янада ривожлантиришга эришмоқчимиз.

Ўзбекистон ХДП фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари негизда қонун-чиликда кўзда тутилган маслаҳат марказ-лари тизими ва кам таъминланган меҳнатга

«Давоми, бошланғичи 1-бетда.

САЙЛОВЧИЛАР: «ИШОНЧИМИЗНИ ОҚЛАЙДИГАН НОМЗОДГА ОВОЗ БЕРАМИЗ»

Бекобод туманида ҳалқ депутатлари Тош-кент вилояти Кенгашига 14-Бекобод сайлов ок-ругиндан қўйилган номзод Гулнеҳра Рыскулова навбатдаги учрашувини ўтказди. Унда маҳалла фаоллари, партия аъзолари иштирок этди.

Учрашувда номзоднинг ишончли вакили Шокиржон Эшонкулов ХДПнинг дастурий ҳо-я ва мақсадлари ҳақида тушунчалар берди. Шу-нингдек, номзоднинг сайловолди дастури ҳам-да таржима ҳоли билан ҳам қатнашчиларни таништирди.

Очиқ мулоқот руҳида ўтган мазкур учрашув-да турли мавзуларда савол-жавоблар бўлиб ўтди.


Таълимда ижтимоий тенглик муҳим омил экани, олис кишлоқ ҳудудларидаги мактаблар-га малакали мутахассисларни жалб этиш каби масалалар қизгин муҳокама қилинди.

Аҳолининг кам таъминланган ва бошқа заиф қатламларига бепул ижтимоий хизматлар тақдим этилишини таъминлайдиган Минимал давлат ижтимоий стандартлари тўғрисида, ёл-ғиз кексаларни ижтимоий ҳимоялаш, нафақа масаласида баҳс-мунозаралар қизгин кечди.

Бугунги кун одамларини қуруқ ваъдалар билан ишонтириб бўлмайди, — деди Нишон Аликулов. — Аввалги сайловларда ҳам қатна-шганимиз, номзодларга овоз берганимиз. Сизлар-нинг дастурингиз пухта, энг асосий ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш билан боғлиқ маса-лалар қамраб олинган. Шунга қўшимча яна баъзи таклифларимиз ҳам бор эди. Масалан, маҳалламизда ҳалигача сартарошхона йўқ. Уни қуриш ва ишга тушириш учун маблағ керак. Мана шу масалада сизлардан кўмак кутамиз. Шу билан бирга, тиббий хизмат қўрсатувчи ш-оҳбчага ҳам ахтиёб бор. Чунки оптималлашти-риш натижасида ҚОҒларга етиб бориш биров қийинчилик тудғирмоқда. Дастурингизда мана шу масалаларни ҳам киритсангиз, мақсадга му-вофиқ бўлар эди.

— Одам ёши ўтгани сари, минг бор ўйлаб кейин гапирадиган бўларкансан, қизим, — деди меҳнат фахрийси Давлат Умаров. — Бир ўзимга ҳеч нарса сўрамаман. Лекин маҳалла-мизда тоза ичимлик суви билан боғлиқ муаммо

«Давоми, бошланғичи 1-бетда.



лаёқатли фуқароларни бизнес юритиш ва тадбиркорлик асослари бўйича бепул ўқи-тиш ҳамда уларга тегишли ҳуқуқий ва иқти-содий масалалар бўйича маслаҳат бериш-нинг бошқа шакллари янада ривожланти-ришда иштирок этади.

Биз «Homevisits» (уйга ташриф буюриш) мактабгача таълим хизматларини янада ри-вожлантириш ва бу борада тегишли педаго-гик таълимга эга, бироқ мактабгача ёшдаги фарзанди тарбияси билан машғуллиги ту-файли ишламайдиган аёлларнинг муносиб иш ҳақи олишларига имкон бериш тарафдо-римиз. Улар мактабгача таълим тарбиячилар-и сифатида, жумладан, мактабгача ёш-даги болаларни уйига ташриф буюриш дасту-ри доирасида болаларга мактабгача таъ-лим бериш билан шуғулланишлари, уларни ёзиш, расм чизиш, нарсаси ясаш асослари-га ўргатишлари мумкин. Бу борада Ўзбекис-тон ХДП жойлардаги халқ таълими бош-қармалари, хотин-қизлар қўмиталари билан илгари имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумлар доирасида фаол ишларни амалга оширишни режалаштирмоқда.

Бундан ташқари, партия хотин-қизлар, ишга жойлашишда қийинчиликларга дуч келаётган «Меҳрибонлик» уйлари тарбия-ланувчилари, аҳолининг бошқа ижтимоий гуруҳларининг ишга жойлашиш бўйича ҳуқу-қий кафолатларини ошириш, касаначилик-ни, мактабгача ёшдаги фарзанди тарбияси билан машғуллиги туфайли ишламайдиган хотин-қизларнинг тегишли давлат-хусусий шерикчилик шакллари ривожлантиришга ҳам эришади.

Партия ижтимоий аҳоли оғир бўлган, доимий иш жойига эга бўлмаган хотин-қизлар-ни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш мақ-садида ижтимоий шерикчи билан ҳамкор-ликда депутатлик ва жамоатчилик назорати тартибда «Меридион бозорлардаги» аҳолини ўрганишни ҳамда фуқароларни бир мар-талик иш билан таъминлашни тартибга солишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг самарасизлиги сабабларини аниқлашни ре-

жалаштирмоқда. Айни пайтда, биз бандлик ва ишсизликка қарши кураш бўйича дав-лат сийсатини амалга оширишга оид илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда, Ўзе-бистон Республикасининг "Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги Қонуни ва қонунчиликдаги бошқа тегишли ҳужжатларга зарур ўзгар-тишлар киритиш таклифларини тайёрлаб, парламент фракцияси орқали қонунчилик ташаббуслари тартибда киритишни режа-лаштирганмиз.

Бундан ташқари, биз аҳолининг ижти-моий ҳимояга муҳтож қатламлари, жум-ладан, ижтимоий аҳоли оғир бўлган аёллар, «Меҳрибонлик» уйлари тарбия-ланувчилари учун ипотека элита турар-жойларини қураётган қурилиш компания-лари ва тижорат банклари даромадидан мажбурий ижтимоий ажратмаларни қо-нуний жорий қилишни, кейинчалик ижти-моий турар-жойлар қурилиши учун фой-даланишда ушбу маблағларни махсус фондларда жамлашни таклиф этамиз.

Бироқ бугунги кунда тобора кўпчилик хо-тин-қизлар таълим олиб, ўз салоҳиятларини нафақат оилада, балки, касбий фаолиятда ҳам намоён этишга интиломоқдалар. Чекка қишлоқларда жойлашган қишлоқ врачлик пунктлари, мактаблар ва бошқа ижтимоий соҳа ташкилотларда ишлаш учун юқори малакали ва тажрибали мутахассисларни жалб этиш мақсадида партиямиз ишончимиз комилки, улар орасида хотин қизлар кўпчи-ликини ташкил этадиган бундай ходимларни тегишли моддий ва маънавий рағбатланти-риш тизимини қонуний муҳстаҳкамлаш тўғ-рисидаги таклифни ишлаб чиқиб, парламент фракциямиз орқали қонунчилик ташаббуси тартибда киритишни режалаштирмоқда.

Бундан ташқари, партиямиз, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, жум-ладан, ногиронлиги бўлган шахслар, ногирон фарзандларини тарбиялаётган ота-оналар, ижтимоий аҳоли оғир бўлган аёллар, фар-зандларини тўлиқ бўлмаган оилаларда тар-биялаётган ва яшаш шароитларини яхшилаш-га ҳаракат қилаётган кам таъминланган она-лар учун арзон уй-жойлар қурилиши дастур-ларини кенгайтиришга ҳам эришади. Биз бу борада имтиёзли ипотека кредит бериш ама-лиётини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблаймиз. Ва биз уй-жой ва ком-мунал хизматларнинг ижтимоий маъбуллик даражасини оширишга эришмоқчимиз!

Бироқ бу масала, келгусида муҳокама қилиш учун алоҳида жиддий масаладир. Биз ҳар бир кишининг фаровонлигини таъминлаш тарафдоримиз ва бу мақсад-га эришиш йўлида улкан ишларни амалга оширмоқчимиз! Бизга овоз беринг!

Гулшан АСАТОВА,
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши
"Фаол аёллар" сектор мудири,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутатлигига номзод.



ОЗОДЛИК ШУКУҲИДАН ОРТИҚ БАХТ БОРМИ...

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзе-бистон Республикаси Конституциясининг 27 йиллиги муносабати билан "Ҳазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги фар-монни имзолади. Бу ҳужжат қўллаб оилаларга қўшалоқ байрам шукуҳини улашди.

Дарҳақиқат, адашиб ҳуқуқбузарлик йўлига кирган ва содир этган қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлган инсонларга яна бир бор имкон бериш, уларни тўғри йўлга, оиласи бағрига қай-тариш ўзини инсонпарвар давлат, деб биладиган ҳар қандай мамлакат олдидаги муҳим масала-лардан биридир.

Президентимизнинг фармонида мувофиқ, жи-ноятни учун жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўт-ган 92 фуқаро афв этилди, улардан 20 нафари жазодан тўлиқ озод этилади. 37 нафари шартли равишда мuddатидан аввал озод этилади, яна 16 нафар шахсга нисбатан белгиланган жазо енгил-роғига алмаштирилади, бир сўз билан айтганда, жазони ижро этиш муассасаларини ҳамда проба-ция хизмати органлари ҳисобидан чиқарила-диган фуқаролар сон 73 нафарни ташкил этади. Бундан ташқари, яна 19 шахсга нисбатан озод-лиқдан маҳрум этиш қўрғинида белгиланган жазо қисқартирилади.

Мамлакатимиз ҳаётига татбиқ қилинган афв этиш институти том маънодаги инсонпарварлик ифодаси бўлиб, моҳиятда инсонпарварлик, ке-чиримчилик, бағрикентлик каби тушунчалар ёта-ди. Бугун афв этилган юрдошларимиз ушбу та-мойилларни ўз ҳаётида ҳис қилмоқда.

Жазодан озод қилинган ёки мuddати қисқар-тирилганлар ҳам ўз фуқароларимиз, ўз маҳалла-дошларимиз. Албатта, уларнинг ҳам уйда интиқ кутаётган ота-онаси, акаси, синглиси, ёру биро-дари, фарзандлари бор. Жазони ижро этиш муас-сасаларида ўтадиган бир йил, ҳатто бир кун, бир соат нафақат маҳкумларнинг ўзи, балки оила аъ-золари учун ҳам оғир кечиши ҳеч кимга сир эмас.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахс-ларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдала меҳнат би-лан шуғулланиши, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятга муносиб ўрин топишига кўмак бериш бўйича маҳаллаларимиз олдида катта ва-зифа турибди. Азалдан йилқилганни сунш, адаш-ганга тўғри йўл кўрсатиш, эгри йўлга қадам бос-ганларни жамоатчилик орқали тарбиялашдек иж-тимоий аҳамиятга эга вазифаларни жазоси енгил-лаштирилмоқда. Бу эса оила оилаларнинг хур-сандчилиги дегани. Ахир оила тўлиқ бўлишидан, озодлик шукуҳидан ортиқ бахт борми, дунёда.

Албатта, афв этилганларнинг жамиятга мос-лашувини таъминлаш олдимизда турган галдаги долзарб вазифалардан саналади. Бу жараёнда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳамкор ташкилотлар — "Нуроний" жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар иттифоқи, "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази янада фаол-лик кўрсатади. Зеро, ушбу юрдошларимизнинг жамиятда ўрнини топиши, маҳалла-қўйга қўши-лиши, зарур меҳнат ва яшаш шароитига эга бў-лиши, умуман олганда, соғлом турмуш тарзига қайтиб, бошқа адашмаслиги барчамизга боғлиқ.

Жамиятнинг асосий бўғини бўлган оиланинг жам бўлиши, айниқса, оила бокучисини, тарбиячи-си бўлган ота-онанинг уйга қайтиши жуда чуқур маънавий-тарбиявий аҳамиятга эга. Мазкур фар-мон айни вақтда оиланинг давлат муҳофазасида бўлишига ҳам хизмат қилади.

Қолаверса, кечирилган ҳар бир шахс ўзига билдирилган ишонччи оқлаб, юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга муно-сиб хисса қўиши, жамиятда ўз ўрнини топишига ишонамиз.

Шавкат ЖАВЛОНОВ,
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш
органлари фаолиятини
мувофиқлаштириш бўйича
Республика кенгаши бошқаруви раиси.
ЎА

Дилёр БОТИРОВ,
Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши
ахборот хизмати ходими.

Бу ҳудудда тадбиркорликка кенг йўл очилгани боис, ҳунармандчилик жадал ривожланди, энг муҳими, аҳоли ўз турмуш фаровонлигини ўз кучи, ақл-заковоти билан яратиш мумкинлигига амалда гувоҳ бўлмоқда.

КАТТАҚЎРҒОН ТУМАНИ: ЎЗГАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШЛАРДАН ОДАМЛАР МАМНУН

ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

Каттақўрғон тумани ҳудудидан оқиб ўтадиган Қорадарё ва Оқдарё бўйларидаги экин майдонларида пахта, ғалла ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилади. Бу ҳудуддаги миришкор деҳқону соҳибкорларнинг ғайрат-шижоати ҳамиша эътироф этиб келинади.

Туман далаларига баҳор чоғида ташири буюрсангиз, дарахтлари оппоқ гулларга бурканган бўлади. Ёзу кузда улар шигил меваларини офтобда тоблаб жилоланади. Каттақўрғонлик бобо-деҳқонлар кўкламу ёзу кузда ҳам, ҳатто қиш фаслида ҳам ором билишмайди. Бир қарасангиз улар кетмонини елкасига ташлаб, даласига шошилаётган, гўзасига ишлов бераётган, ғалласини саранжомлаётган, пахтасини териб олаётган, ерини келгуси йил ҳосили учун тайёрлаётган бўлади.

Пишқичлик вақтида эса деҳқону соҳибқорни атрофда бемалол ястаниб ётган мевазорларига мамнун боқётган, ҳосилини йиғиштириб олаётган ҳолда учратасиз.

Хуллас, Каттақўрғон далаларида ҳар фаслнинг ўз саховати, одамларнинг эса ажиб ҳислатлари бор.

Туман меҳнаткашларининг мустақиллик даврида амалга оширган ишлари, иқтисодий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда эришган ютуқлари ҳақида кўплаб фикрлар билдириш мумкин. Бироқ кўплаб қишлоқларда, ҳатто, туман марказида эътиборни тортадиган замонавий иншоотлар, дам олиш масканлари, спорт майдонлари ва бошқа муассасалар санокли эди. Йўллар ҳам таъмирталлаб бўлиб қолган. Бугун эса, бир пайтлардаги эски, пасткам иморатлар ўрнини замонавий ва, шунинг билан, нолар эгалламоқда. Янги замон талабларига мос мактаблар, тиббиёт, мактабгача таълим муассасалари, маҳалла марказлари, турли хизмат хосхобларни қад ростламоқда. Айниқса, туман марказидаги раво, кенг йўл, ундаги турли чаргонлик, ранг-баранг нурлар кишига завқ беради.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида, ҳатто икки мингичи йиллар бошларида ҳам бу ерда кўшма корхоналар барпо этиш, иқтисодиётга хориз сармоясини жалб этиш борасида бирор бир иш қилинмаганди. Бугун эса саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ошди. Ҳаттоки, хусусий корхоналар ўз маҳсулотларини экспорт қила бошладилар.

Туман аҳолисининг асосий машғулотини энди қишлоқ хўжалигининг бир неча соҳаларига эмас. Бу ҳудудда тадбиркорликка кенг йўл очилгани боис ҳунармандчилик жадал ривожланди, энг муҳими, аҳоли ўз турмуш фаровонлигини ўз кучи, ақл-заковоти билан яратиш мумкинлигига амалда гувоҳ бўлмоқда.

Пилла, ғалла, пахта, мевасабзавот етиштириш борасида туман меҳнаткашлари катта тажрибага эга. Бу соҳалардаги белгиланган режалар доимий ортиги билан бажарилиб келинапти. Паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик соҳаларида ҳам бир қатор ютуқларга эришилган. Қишлоқларда иссиқхоналар кўпайтирилиб, қишда ҳам эл дастурхонига турли сабзавот, кўкат ва бошқа ноз-неъматлар етказиб берилмоқда.

Жумладан, ўтган йили туманда 1886,3 тонна балиқ етиштирилди. Айни пайтда 82 та балиқчилик фермер хўжалиги фаолият юрит-

моқда. Уларга 436 гектар ер майдони ажратилган. Ана шу майдоннинг 332 гектарида ҳавзалар яратилган. Бу ҳавзаларда 4002 тонна балиқ боқиш режалаштирилган.

2019 йилда балиқчилик бўйича 9 та лойиҳа амалга оширилди. Туман ҳокимининг қарори билан бу ишлар учун 41 гектар ер ажратилди. Лойиҳалар тадбиркорлар ва банк кредити ҳисобидан ишга туширилди. Эндиликда фермерлар бир неча балиқ турини ҳавзаларда парваришlash ишини йўлга қўйишган.

Туманда 18 гектар ер майдони замонавий иссиқхоналар барпо этишга бел болаган тадбиркорлар ихтиёрига берилди. Ишлаб чиқилган 7 миллион 329 минг долларлик 5 та лойиҳа ана шу майдонларда жойлаштирилди. Эндиликда эса бу иссиқхоналарда ҳар йили ўртача 2000 тонна маҳсулот етиштирилади. Уларда 110 та янги иш ўрни яратилишини ҳам алоҳида таъкидлаш ўринли.

Зайнаб БЕРДИЕВА,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлис Сенати аъзоси,
тумандаги 20-умумтаълим мактаби директори:

— Маълумки, ўқитувчининг энг асосий вазифаси таълим сифатини яхшилашдан иборат. Бунинг учун эса педагогнинг ўзи билимли, маънавияти юксак, давр талабини яхши англаган, ташаббускор бўлиши керак. Давр бугун ўқитувчидан тинимсиз изланишни, билим даражасини доимий равишда ошириб боришни тақозо қилмоқда. Соҳада ўқитувчилар учун барча имкониятлар яратилиб берилган бир пайтда бу жуда муҳимдир.

2018 йилда мактабимиз учун давлат дастури асосида 120 ўринли янги замонавий бино қуриладиган бўлди. Бунинг учун 1 миллиард 450 миллион сўм маблағ ажратилди. Бинонинг пойдевори қўйилаётган бир пайтда туманимиз ҳокими Аъзамхон Баҳромов мактабимизга келиб, қурилиш ишлари билан танишди. Биз ҳокимга мактаб фаолияти, янги бино ўқувчиларимиз учун бироз торлик қилиши ҳақида гапириб бердик. Вазиятни тўғри англаган ҳоким мактаб учун қуриладиган ушбу бинони имкон қадар кенгайтиришга, бунинг учун зарур бўлган қўшимча харажатлар маҳаллий бюджет маблағи ҳисобидан қопланишини айтди. Ҳокимимизнинг бундай ташаббусини вилоят ҳокими ҳам қўллаб-қувватлади. Натижада маҳаллий бюджетдан мактаб қурилишига яна 1,5 миллиард сўм маблағ ажратилди. Шу тариқа янги замонавий, ҳамма шароитларга эга бўлган 340 ўринли икки қаватли бино қад ростлади.

Айни пайтда мактабимизда 655 нафар ўқувчига 45 нафар малакали ўқитувчи таълим-тарбия берамоқда. Аҳамиятли жиҳати, мактабимизда барча фанлар бўйича малакали ўқитувчиларнинг етарли эканлигини айтди.

Ҳамма талабларга жавоб берадиган 12х24 ҳажмдаги спорт залига эгамиз. У болалар спорти жамғармаси маблағи ҳисобидан қуриб берилган эди. Шунингдек,



мактабда бир неча йўналишда тўғараклар ишлаб турибди. Ота-оналар тақлифлари асосида ташкил этилган миллий кураш тўғарида ҳақида алоҳида тўхталиш лозим. Сабаби, ўқувчиларимиз спортнинг бу тури бўйича мусобақаларда муваффақият қозонмоқда. Улар яқинда кураш бўйича вилоятда биринчилигини эгаллашди. Ҳозир республика босқичида иштирок этиш учун жиддий тайёргарлик қўрилмоқда.

Яратилган шароитлар, мавжуд имкониятлар ўқувчиларимизнинг пухта билим олиши, уларнинг туман, вилоят миқёсидаги бир қатор тадбирларда, жумладан, фан олимпиадаларида ғолиблар сифидан ўрин эгаллашларига хизмат қилмоқда. 2018-2019-ўқув йилида билим даргоҳимизни битирган ўқувчиларимизнинг 6 нафари республика босқичида иштирок этиш учун жиддий тайёргарлик қўрилмоқда.

Марям НИЕЗОВА,
"Қумуш тола" хусусий корхонаси директори, халқ депутати вилоят кенгашидаги ЎЗДП гуруҳи аъзоси:
— Ота-боболаримиз ипак қуртини бежиз етти хазинанинг бири, дейишмаган. Пиллаликсиз тўқимачилик саноати ривожини тасаввур этиш қийин. Ипак мато тўқимачилиги қадимий соҳа. Асосийси, Ўзбекистон ипагига иштиёқманд хорижий харидорлар сони йил сайин кўпайиб бормоқда.

Корхонамиз томонидан бу йилги пилла ҳисобидан ҳозиргача 350 минг АҚШ доллари миқдоридаги 14 тонна ипак момига ва 680 минг АҚШ доллари тенг 17,9 тонна ипак толаси Хитой ва Эрон давлатларига экспорт қилинди.

Жорий йилда тумандаги 4626 хонадонда пилла етиштирилди. Жами 338,7 тонна пилла хирмони яратилди. Ана шу хомашени тўлалигича ўз корхонамизда қайта ишлаш ниятидамиз. Бу эса шубҳасиз, экспорт салоҳиятимизнинг янада ошиши, ишчи-хизматчиларимиз турмуш тарзининг фаровонлашувига хизмат қилади.

Жорий йил бошида туманда 369 гектар тутзор мавжуд эди. Йил давомида яна 572 минг тул тут қўчати экилди. Келгуси йилда эса яна 100 гектар тутзор барпо этишни режалаштирганмиз. Бундай харажатлар соҳани ривожлантириш борасида муҳим ўрин тутди, албатта.

Корхонамизда 100 дан зиёд ишчи замонавий дастохларда меҳнат қилади. Пилла мавсумида олинган хомашени илгари бошқа республикаларга ўзинатардик. Бугун эса уни тўлиқ ҳажмда қайта ишлаяпмиз. Бунинг учун етарли

имкониятга эгамиз.

Яқинда корхонамиз негизда сизими 100 тоннали замонавий совутигичли омборхона қурилди. Унинг умумий қиймати 780 миллион сўмни ташкил этди. Ушбу лойиҳанинг ишга туширилиши учун зарур бўлган маблағни тўлигича ўз ҳисобимиздан сарфладик. Шу ҳисобдан 3 та доимий иш ўрни очилди.

Олимжон ХУЖАМБЕРДИЕВ,
туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи, тиббиёт фанлари номзоди:

— Туман аҳолисида 330 ўринли марказий шифохона, бир иш кунинда 450 бемор қабул қилиш қувватига эга бўлган кўп тармоқли марказий поликлиника, 3 та қишлоқ оилавий поликлиникаси, 9 та қишлоқ врачлик пункти тиббий хизмат кўрсатади. Тиббиёт бирлашмаси тизимидagi даволаш профилактика муассасаларига мурожаат ва катновлар электрон база орқали амалга оширилади.

Каттаминг ва Мойбулоқ қишлоқ оилавий поликлиникаларини капитал таъмирлаш учун ҳар бирига 600 миллион сўмдан маблағ ажратилган. Лекин туман ҳокимлиги ёрдами билан ҳар бир муассаса учун яна 100 миллион сўмдан қўшимча маблағ берилди. Натижада бу оилавий поликлиникалар таъмирланибгина қолмай, тўлиқ янги жиҳозлар билан таъминланди.

Сув ҳовузи ва Каттаминг қишлоқ оилавий поликлиникалари, Қирғиз, Қорадарё, Янгиқўрғонча қишлоқ врачлик пунктларида сув муаммоси йиллар давомида ҳал этилмай келаётганлиги. Яқинда ана шу тиббиёт муассасаларида сув билан таъминловчи қудуқлар қазилиб, мавжуд муаммолар ҳал этилди.

Мойбулоқ қишлоқ врачлик пунктида ҳам шундай муаммога чек қўйилди. Бу ерда 160 метр чуқурликдан тоза ичимлик суви чиқарилди.

Сув ҳовузи қишлоқ врачлик пунктига қарашли Қорақўлча ПА-Пилла 70 миллион сўмлик, Зарафшон ҚВПСида 350 миллион сўмлик жорий таъмирлаш ишлари якунланди. Қўянчи ҚВПСида 24 миллион сўмлик замонавий иссиқлик тизими қайтадан таъмирланди, Ойхон ҚВПСида 40 миллион сўмлик том қисми ёпилиб, 24 миллион сўмлик замонавий иссиқлик тизими қайта таъмирланди.

Ўн йиллардан буён тиббиёт бирлашмасининг болалар ва терапия бўлимларини қуриш давлат дастурига киритилмай, "отанга бор, онанга бор" қабилида иш тўтилаётган эди. Туман ҳокимлиги саяё-харақати билан бу бўлимлар

учун Кадан қўргони ҳудудига 80 ва 40 ўринли янги бинолар барпо этилди. Бунинг учун 4,5 миллиард сўмлик иш бажарилди. Бўлимлар 2 миллиард сўмлик тиббий жиҳозлар билан таъминланди.

Тугуруқ комплекси, шошилинч тиббий ёрдам ва бўлимдаги жароҳатлиқ столлари ҳам янгиланди.

Тоштурди АЛҚАРОВ,
туман мактабгача таълим бўлимининг мудир:

— Туманимиз қишлоқларида 2018 йилгача 44 та болалар босчаси мавжуд эди. Бугун эса бундай таълим муассасалари сони 58 тага етди. Айни пайтда давлат-хусусий шерикчилик ҳамда оилавий нодавлат таълим муассасалари ташкил этиш борасида ҳам бир қатор ишлар олиб боришмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 апрелдаги "Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳақида 2018 йил 30 июлдаги "Оилавий нодавлат мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорлари ижросини таъминлаш борасидаги саяё-харажатлар қишлоқларимиздаги мактабгача таълим муассасаларининг янада кўпайишига, мавжудларда эса кичкин-тоилар учун шарт-шароитларни янада яхшилашга хизмат қилмоқда. Жорий йил бошида "Миттижон" номли 50 ўринлик хусусий ва яна бир 50 ўринли давлат-хусусий шерикчилик асосидаги МТТ ишга туширилди.

Нодавлат (хусусий) мактабгача таълим муассасаси ташкил этиш истагида бўлган тадбиркор Икром Усмонов томонидан ўтган йилнинг охирида "Мирзо Улугбек" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудига 50 ўринли боғча қурилиши, қиймати 1 миллиард сўм бўлган МТТ биносига бунёдкорлик ишлари қисқа муддатда ниятсизга етказилди. Яқинда "Миттижон" деб номланган ушбу болажонлар масканининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда туманимиз ҳокими Аъзамхон Баҳромов, иштирок этиб, мактабгача таълим муассасаларини бунёд этиш изчил давом этишини айтди.

Дарҳақиқат, бундай ишларни давом эттириш ҳаёт талаби, мамлакатимиз сиёсатининг бугунги талаби. Каттақўрғон туманида бошқа соҳаларда ҳам қилинадиган ишлар оз эмас. Энг муҳими одамлар тумандаги бугунги ўзгариш ва янгилашнилардан мамнун, эртанги кундан умидлари янада катта.

Абдураҳмон САТТАРОВ,
Жаҳонгир ҚАРАОВ

ТАДБИР

Ўзбекистон илмий техника ва тиббиёт ҳужжатлари миллий архивига 8 декабрь — Конституциямиз қабул қилинган кун ҳамда 9 декабрь — «Халқаро коррупцияга қарши кураш кунини» муносабати билан «Ўзархив»га CERT International халқаро сертификатлаштириш органи томонидан халқаро ISO 37001:2016 стандарти талаблари асосида коррупцияга қарши кураш тизими сертификатини тантанали топириш маросими бўлиб ўтди. Унда «Ўзархив» агентлиги бош директори ва агентлик марказий аппарати ходимлари, Ўзбекистон миллий архивлари раҳбарлари, CERT International халқаро сертификатлаштириш органи раҳбар ва мутасадди ходимлари, шунингдек, Ўзбекистон миллий университети тарих факультети ўқитувчилари, талабалари иштирок этди.

Коррупцияга қарши курашдаги янгилик

Маълумки, Президентимизнинг 2019 йил 27 майдаги «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши кураш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги фармони ҳамда 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури қабул қилинганди.

Ушбу Давлат дастурини қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистонда фаолият юритаётган CERT International халқаро сертификатлаштириш органи ҳам МДХ мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб, ISO 37001:2016 бўйича халқаро аккредитациядан ўтди. Органининг халқаро стандартларга мувофиқлик сертификатлари дунёнинг 120 дан ортиқ мамлакатларида тан олинади.

Коррупция ҳар қандай давлат ва жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига жиддий путур етказиши, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол бўлишига асосий сабабчи бўлиб ҳисобланади.

Шу боис унга қарши кураш халқаро аҳамият касб этиб, ҳар бир давлатнинг ички ва кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифалари қаторидан жой олган. Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ISO) ҳам ушбу муаммонинг кенг қўламадаги салбий ҳолатларга олиб келишини инобатга олган ҳолда, унга қарши курашиш усуллари ва тамойиллари асосида Ўзбекистон илмий техника ва тиббиёт ҳужжатлари миллий архивига ISO 37001 «Коррупцияга қарши ҳаракат бошқарув тизими» таътиб қилинди. Ушбу тадбирда архивга юқоридаги стандарт асосида бошқарувни ташкил қилганлиги тўғрисидаги CERT International халқаро сертификатлаштириш органи томонидан мувофиқлик сертификати топирилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири.

ЭЪЛОНЛАР

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ

2020 йил 9 январь кунини бошлангич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидagi очик аукцион савдоларини ўтказиш

Аукцион савдоларига Тошкент ш., Чилонзор тумани, Чорбоғ кўчаси, 27-уйда жойлашган, «METROQURILISH MEXANIZATSIIYA» ШЖ балансидаги 1998 й. и/ч. д/р 01BA778, бошлангич нархи 243 605 000 сўм (ҚҚС билан) бўлган «MEGA-400III» русумли юкка; 1996 й. и/ч. давлат рақами бўлмаган, бошлангич нархи 557 346 000 сўм (ҚҚС билан) бўлган «KLEMM KR 803-02 E» русумли бургулаш техникаси; 1989й. и/ч. д/р 01/6950DBA, бошлангич нархи 19 034 000 сўм (ҚҚС билан) бўлган «AQ-2552» русумли автотранспорт воситаси; 1998 й. и/ч. д/р 01BA773, бошлангич нархи 416 561 000 сўм (ҚҚС билан) бўлган «SL-290-LC-V» русумли экскаватор; 2008 й. и/ч. бошлангич нархи 68 222 000 сўм (ҚҚС билан) бўлган «SEBA800» русумли гидравлик болга қўйилади.

Талабдорлардан буюртномаларини қабул қилиш, расмий иш кунларида маълум эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан **2 (икки) кун** аввал соат **18:00** да тўхтаётганлиги.

Савдоларда қатнашиш учун бошлангич нархнинг камида **20 фоиз** миқдоридagi кафолат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филилидаги ФА.00425, СТИР:302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо қолиби, савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотиш шартномасини имзолаши ҳамда тўланган кафолат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоиздан камини ташкил этган тақдирда, фарқ қилаётган суммани шартнома тузулгунга қадар кафолат тўланган ҳисоб рақамига тўлаб бериши шарт, шунингдек, «METROQURILISH MEXANIZATSIIYA» ШЖнинг автотранспорт воситалари бўйича савдо қолибига савдо ташкилотчиси учун сотилиш нархидан тўланадиган 1 (бир) фоиз миқдоридagi комиссия тўловини алоҳида қолаб бериш мажбуриятлари юклатилади.

Савдо қолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотиш шартномасини имзолаш, тўланган кафолат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоиздан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузулгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур объектлар юқорида белгиланган савдо кунидида сотилмаган тақдирда, улар бўйича тақоррий аукцион савдолари, улар сотилгунга қадар наватбатдаги ҳафталарнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказилади. Ушбу объектларга қизиқиш билдирган талабдорлар, уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилга бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари соат **15:00** да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темуру шох кўчаси, 14-уй, 8-хона.

Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: (71) 209-23-41; электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru.

Шунингдек, «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ томонидан 2019 йил 5 декабрь кунини ўтказилган очик аукцион савдоси натижаларига кўра, «YO'L-LOYIHA BYUROS'I» МЧЖ балансидаги д/р 01/416ACA бўлган «ДАМАС» – 18 900 000 сўмга сотилганлиги маълум қилинади.

Гувоҳнома № 005357

«Шўртангаз кимё мажмуаси» МЧЖ тиббий-санитария профилактик тадбирлари билан шуғулланувчи ташкилотлар ўртасида мажмуага қарашли объектларда 2020 йилда профилактик тадбирлар (дезинфекция, дезинсекция, дератизация ҳамда дала дератизация ва дала дезинсекция)ни ўтказиш учун 2019 йил декабрь ойида очик танлов савдолари ўтказилишини маълум қилади. Танлов шартлари ҳақида маълумот билан мажмуанинг расмий веб-сайти www.sgcc.uz да танишишингиз мумкин.

Тижорат тақлифлари қуйдаги манзиллар бўйича қабул қилинади. Манзил: Қашқадарё вилоят, Ғузор тумани, Шўртан қўргони. Факс: (0375) 552-40-16. Эл. почта: sgcc@sgcc.uz Маълумот учун телефон: (0375) 552-41-21



Партиянинг янги Сайловолди дастурида ҳам аҳолининг кам таъминланган қатламлари, пенсионерлар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг турмуш даражасини ошириш бўйича муҳим ва аниқ вазифалар белгиланган.



«ДОИМО ЭЪТИБОРИМИЗ МАРКАЗИДАСИЗ»

Яқинда – Халқаро ногиронлар куни муносабати билан бутун дунё бўйлаб, жумладан, мамлакатимизда ҳам уларни қўллаб-қувватлашга бағишланган тадбирлар ўтказилди. Ўзгалар кўмағига муҳтож замондошларимизнинг кўнгиллари шод этилди.

ЎзХДП дастурий мақсадларида ҳам аҳолининг, хусусан, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий ҳимояси таъминлаш масаласи устувор аҳамият касб этади. Шундан келиб чиқиб, партия ташаббуси билан ўтказилаётган бир қатор тадбирларда уларнинг ижтимоий муаммолари аниқланиб, ҳал этиш йўллари излаб топилмоқда.

Пойтахтимизда мазкур санага бағишлаб ўтказилган тадбирда партия Марказий Кенгаши масъул ходимлари, депутатлар, Ногиронлар жамияти, Кар-соқовлар жамияти, Кўзи оғирлар жамияти вакиллари ва партия фаоллари иштирок этди.

Дастлаб ўзгалар парваришига муҳтож, ногиронлиги бўлган шахслар ва уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинди.

Таъкидландики, партия ташаббуси билан ижтимоий ҳамкор ташкилотлар кўмағига ёлғиз, эҳтиёжманд кексалар ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, Халқ демократик партияси томонидан

сан, Халқ демократик партияси томонидан ногиронлиги бўлган шахсларга қўлайлик яратиш учун жамоат транспортига чиқиб-тушадиган пандуслар ташкил этиш, уларнинг ижтимоий ҳимояси ва мослашуви самарадорлигини ошириш бўйича ташаббуслари алоҳида эътироф этилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши, Ўзбекистон Ногиронлар, Кўзи Оғирлар ва Ўзбекистон Карлар жамиятлари билан ҳамда Ўзбекистон Фахрийларни қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси ҳамкорликда имзоланган мейморандум асосида бир қатор амалий ишлар олиб бориляпти.

– Партиянинг янги Сайловолди дастурида ҳам аҳолининг кам таъминланган қатламлари, пенсионерлар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг турмуш даражасини ошириш бўйича муҳим ва аниқ вазифалар белгиланган, – деди ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Мақсуда Ворисова. – Хусусан, партия пенсионерлар, ногиронлиги бўлган шахслар, ногиронлиги бўлган болаларни тарбиялаётган ота-оналар, ёлғиз кексалар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳамда аҳолининг бошқа заиф қатламларига пенсия таъминоти ва ижтимоий нафақаларни белгилаш 2030 йилгача барқарор ривожланиш бўйича Миллий мақсадлар ва вазифалар дастур мезонларига асосланиши керак, деб ҳисоблайди.

Шундан келиб чиқиб, Халқ демократик партияси "Мурувват", "Саховат" ва "Меҳрибонлик уйлари"да истиқомат қилувчи ёлғиз

кексалар, ота-она қарамоғидан маҳрум болалар, ўзгалар парваришига муҳтож ногиронларга замонавий ва ҳар томонлама қўлай шароитларни яратиш ҳолатини жойларда депутатлик ҳамда жамоатчилик назорати тариқасида ўрганиб чиқишни мақсад қилган.

Ногиронлиги бўлган шахслар дуч келаётган ижтимоий масалаларни ўз вақтида ҳал этиш, жумладан, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш, протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларини ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш энг муҳим масала экани алоҳида таъкидланди.

Жисмоний имкониятлари чекланган бўлса-да, ҳаётга катта муҳаббат ва матонат билан яшаётган юртдошларимизга партиянинг эсдалик совғалари топширилди.

Ўзбекистон ХДП
Марказий Кенгаши
ахборот хизмати.

“МЕХРДАН ЯРАЛГАН АСЛИ БУ ДУНЁ”

Сана муносабати билан Ангрен шаҳридаги 25-сонли кўп тармоқли махсус мактабча таълим ташкилотига ҳам хайрия тадбири ўтказилди. Унда халқ депутатлари Ангрен шаҳар кенгаши депутатлари Ш.Дадаматов, Б.Юлдашев, "Нуроний"

жамғармаси шаҳар бўлими раиси Б.Расулов, шаҳар партия кенгаши раиси Э.Тухлиев иштирок этиб, болажонларга ўз тилаklarини билдиришди.

Мурғак қалб эгалари томонидан тайёрланган сахна кўринишлар, оромбахш кўшиқ ва рақслар барчанинг олқишига сазовор бўлди.

Ташкилотчилар муассаса тарбияланувчиларига эсдалик совғаларини топширишди. Тадбир чинакам байрамга айланиб кетди.

Ўзбекистон ХДП Олмалик шаҳар кенгаши ва Олмалик шаҳар тиббиёт бирлашмаси шифокорлари ҳамроҳлигида йўқлов тадбири ўтказилди. Унда партия фаоллари М.Джуробекова, С.Субанов, У.Имамбердиев ҳамда бошқалар хонадонларга бориб, аҳоли ҳолидан хабар олишди.

Хусусан, Олмалик шаҳар "Ўзбекистон" МФЙ Лутфий кўчасида яшовчи Аҳмадали Маматхўжаев хонадонига борибди. Унинг имконияти чекланган ўгли Азизиллонинг аҳволи ўрганилди. Шифокорлар фуқаронинг саломатлигини назоратдан ўтказди. Хонадон соҳибларини ташвишлантираётган масалалар, уларнинг ечими партиямиз фаоллари томонидан таҳлил қилинди.

Худди шундай кўмакка муҳтож инсонлардан бири Бусалима ая Эгамбердиевнинг ҳам хонадонига борибди. Йўқлов келувчиларни кўрган онахонининг кўзлари беихтиёр намланди. Кўрсатилган эътибордан мамнун бўлиб, дуо қилди.

Гултепа МФИда яшовчи Ўрозали Аралова ҳам шу каби хайрия ёрдами кўрсатилди. Унинг аҳволи, ташвишига солаётган масалалар ўрганилиб, назоратга олинди.

Ўзбекистон ХДП
Тошкент вилоят кенгаши
ахборот хизмати.


“ҲЕЧ КИМ МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАСИН”

Навоий шаҳридаги "Ёшлар маркази"да ҳам сана муносабати билан "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин" шиори остида тадбир ташкил этилди. Бир қатор муассасда ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда имконияти чекланган ёшлар ўртасида тасвирий санъат ва спортнинг шахмат тури бўйича беллашувлар бўлиб ўтди.

Ушбу тадбирда Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши вакиллари томонидан ҳам иштирокчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Ўзбекистон ХДП
Навоий вилоят кенгаши
ахборот хизмати.

Беш ташаббус амалда



Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги 60-умумий ўрта таълим мактабида Президентимизнинг 5 ташаббуси бўйича талайгина ишлар амалга оширилди. Айниқса, 36 йилдан буён тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси бўлиб ишлаб келаётган Боймурод Хушназаровнинг биринчи йўналиш бўйича билдирган фикрлари диққатимизни тортди.

– Тасвирий санъат шу қадар мўъжизаки, мўйқаламнинг ҳар бир ҳаракатида соҳр бор. Болаларнинг диққат-эътиборини тез тортадиган жиҳат ҳам шунда. Ташаббуснинг биринчи йўналиши айнан тасвирий санъат бўлгани учун ҳам у болалар орасида тез оммалашди. Биргина 2018-2019 ўқув йилида 8-синф ўқувчиси Нигина Суенова туманда "Ватан ранглар жилосида" номли кўрик танловда фахрли 1-ўринни, 9-синф ўқувчиси Шохиста Эргашева чизмачилик бўйича фан олимпиадаси туман босқичида фахрли 2-ўринни эгаллади.

Ўқувчиларимиз ҳозир фан олимпиадаларининг навбатдаги босқичига пухта тайёргарлик қилишмоқда.

Ўз мухбиримиз.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

QISHLOQQURILISHBANK

ЯҚИН ҲАМКОРИМИЗ БОР ЭКАН, МАҚСАДЛАРИМИЗ РЎЁБГА ЧИҚАВЕРАДИ

Иқтисодий ислохотлар натижасида мамлакатимизда халқимиз турмуш фаровонлиги яхшиланиб, аҳоли реал даромадлари ўсиши кузатишмоқда. Бунда "Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик-тижорат банки томонидан ишбилармон юртдошларимизнинг истиқболли бизнес-лойиҳаларини молиялаштираётгани катта роль ўйнамоқда. Яқинда "Қишлоқ қурилиш банк" муассасадилари ташаббуси билан Бухоро вилоятига ташкил қилинган пресстурда бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик.

Таъкидлаш лозимки, мазкур етакчи молия муассасасининг Бухородаги филиаллари томонидан айти пайтда 74 214 та мижозга намунали хизмат кўрсатилмоқда. Шундан 19 897 таси Бухоро минтақавий филиали, 41 340 таси Когон филиали ва 12 977 таси Галясий филиали ҳиссасига тўғри келади. Бундан ташқари, Қорақўл, Жондор, Шофиркон, Ёғдудов ва Когон мини банклари ҳам шу мақсадларда фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, жойлардаги тўртта омонат кассаси, тўртта халқаро пул ўтказмалари ва учта валюта алмаштириш шохбчалари, ўн олти банккомат, ўн тўртта инфокиос ва 24/7 режимида ишлайдиган тўртта банккомат аҳоли хизматида.

Пресс-тур қатнашчилари «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Бухоро минтақавий филиали фаолияти билан яқиндан танишдилар. Замонавий талабларга мос равишда жиҳозланган банк биносига мижозлар учун барча қўлайликлар яратилган. Ходимлар уларга сўнгги русумдаги техник воситалар ёрдамида тезкорлик билан хизмат кўрсатмоқда. Сафар давомида, «Қишлоқ қурилиш банк» молиявий кўмағига ўз лойиҳаларини амалга ошираётган бухоролик тадбиркорлар фаолияти билан танишишга муваффақ бўлди. Дастлаб Қоровулбозор туманидаги «Қоровулбозор Нуробод» масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этилган замонавий иссиқхонада йўлга қўйилган ишлар билан танишдик.

– Тадбиркорликни 2013 йилда сутини қайта ишлаш цехини ташкил этишдан бошлаганман, – дейди жамият раҳбари, ЎзХДПдан халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгаши депутатлигига номзод Фаррух Бекмурзаев. – Кейин нон пишириш, томат ва қолбаса



маҳсулотларини ишлаб чиқариш цехлари, гишт заводи фаолиятини йўлга қўйдик. Айни вақтда 22 гектар ерда иссиқхона барпо этиб, икки юздан ортиқ кишини иш билан таъминлашга эришдик. Уларнинг ярмидан кўпрогини хотин-қизлар ташкил этади. Иссиқхона фаолиятини йўлга қўйишимизда, хусусан унинг 9 гектарини ташкил этишимизда «Қишлоқ қурилиш банк»нинг 4 миллион долларлик молиявий кўмағи жуда қўл келди. Насиб қилса, 2020 йил февралда иссиқхонамизда етиштирилган помидорларни 3 миллион долларлик экспорт шартномасига кўра, Россияга жўнатишни бошлашимиз.

Тадбиркор помидор қўчатларини ҳам ўзида етиштиришни режалаштираётган экан. Ишончимиз комилки, ташаббускор партиядошимизнинг бу лойиҳаси ҳам кўнгилдагидек амалга ошади, зеро бунда ҳам яқин ҳамкор –

«Қишлоқ қурилиш банк»нинг ҳиссаси катта бўлди, албатта.

Мамлакатимизда маҳаллий хом ашёдан импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилган. Бу йўналишда Бухоро вилоятида ҳам бир қатор ишлаб чиқариш корхоналари ташкил

Когон шаҳридаги замонавий истироҳат боғига кириб келганимизда ўзимизни болалар дунёсига қайтгандек ҳис қилдик, десам асло муҳолага бўлмайди. Бу масканда Хитойдан келтирилган энг замонавий аттракционларни кўриб, кўзингиз қувонади, ҳайратланасиз. «Когон меҳнат – роҳат» корхонаси раҳбари Равшан Эшмуродов банкнинг Когон филиали томонидан берилган 2 миллиард сўм миқдоридаги кредит ҳисобига жорий йил майида дам олиш масканини ишга туширганлигини мамнунлик билан гапириб берди. Ҳозир бу ерда болажонлар учун янги йил томошаларини ўтказишга қизгин ҳозирлик қилиляпти. Тадбиркор истироҳат боғида сув ҳавзаларини ҳам ташкил этиш ниятида. Агар Когонга йўлингиз тушса, албатта, ушбу истироҳат боғига кириб ўтинг.

Бухоро шаҳридаги «Shakhina Style» оилавий корхонасининг бошқалари ва ўқимларга мўлжалланган кийимлари сифатлилиги ва замонавийлиги билан харидоргирдир.

– Лойиҳамизнинг умумий қиймати 164 миллиард сўмни ташкил этиб, шундан 25 фоизи – 40 минг АҚШ доллари банк кредитидир, – дейди корхона раҳбари Насатулло Тошев. – Сармоя ҳисобига хориждан замонавий тивув машиналарини олиб келдик. 35 хотин-қиз иш билан таъминланди. Ҳозир йилига ўртача 450 минг АҚШ доллари миқдорида 50 дан ортиқ турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқарамиз. Корхонамиз дизайнери – қизим Шаҳинабонунинг орузси маҳсулотларни хорижга экспорт қилишдир. Бунинг учун оиламиз биргаликда астойдил меҳнат қилмоқда.

Мухтасар айтганда, «Қишлоқ қурилиш банк» тадбиркорлик субъектларининг истиқболли бизнес лойиҳаларини рўёбга чиқаришда доимо камарбаста. Биз юқорида сўз юритган тадбиркорларнинг муваффақиятлари ҳам шундан гувоҳлик беради.

Алишер РЎЗИЕВ

Туман даражасида ҳал қилинмаган мурожаатлар бўйича вазирлик марказий аппаратида такрорий мурожаатлар келиб тушиши кузатишмоқда.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ



ТУМАН МИҚЁСИДА ҚАНДАЙ ЖАВОБ ТАЙЁРЛАНГАН БЎЛСА,

юқори турувчи органлар томонидан ҳам бир хил жавоб бериш ҳолатларига изоҳ берилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Ички ишлар вазирлиги томонидан «Ички ишлар органларининг фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш фаолияти тўғрисида» мавзuida матбуот анжумани ўтказилди. Тадбирда вазирлиқнинг Ташкилий департаменти мурожаатлар билан ишлаш бошқармаси раҳбарияти ва масъул ходимлари иштирок этди.

— Жорий йилнинг 10 ойи давомида вазирлик таркибий ва ҳудудий бўлинмаларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналари орқали жами 79 минг 775 мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг 76 фоизи қаноатлантирилди, яъни 19 минг 21 нафар шахснинг ҳуқуқлари тикланишига эришилди, — дейди Ички ишлар вазирлиги Ташкилий департаментининг мурожаатлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи, подполковник Озодбек Жўрабоев. — Аҳолининг мавжуд долзарб муаммоларини ўрганиш мақсадида мамлакатимизнинг энг олис, чекка, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси паст бўлган, тоғли ҳамда чегара ҳудудларида жойлашган аҳоли пунктларида вазирлик раҳбарияти томонидан сайёр қабуллар ўтказилди. Мазкур тадбирларда фуқаролардан 7 минг 296 та мурожаат қабул қилинган. Уларнинг 38,2 фоизи ижобий ҳал этилган бўлиб, 17,5 фоизи қонуний ҳал этиш чораларини кўриш учун

тегишли вазирлик ва идораларга юборилган. Шунингдек, ушбу тадбирда журналистларнинг қуйидаги саволларига ҳам батафсил жавоблар олинди.

— Жорий йилнинг 10 ойи давомида мурожаатларнинг 76 фоизи қаноатлантирилган, деб айтдингиз, ушбу мурожаатларда қандай муаммолар масалалар кўтарилган?

— Мазкур мурожаатлар асосан Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини қабул қилиш, суриштирув, терговга қадар текширув ва тергов ҳаракатлари ҳамда ички ишлар органларига хизматга қабул қилиниши тартибига доир. Масалан, фуқаролиқни қабул қилиш борасидаги мурожаатлар юзасидан фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини қабул қилиш бўйича ҳужжатлари расмийлаштирилиб, тегишли идораларга юбориш тартибиде ҳал этилади, фуқаролик паспортлари расмийлаштирилади. Шунингдек, суриштирув, терговга қадар текширув ва тергов ҳаракатлари масалаларига доир мурожаатлар бўйича тергов ҳаракатлари қайта тикланиб, процессуал қарорлар қабул қилинади.

— Мурожаатлар бўйича туман миқёсида қандай жавоб тайёрланган бўлса, юқори турувчи органлар томонидан ҳам бир хил жавоб бериш ҳолатлари кузатишмоқда. Ушбу бир хилликдан қочиш ва фуқаронинг мурожаати бўйича уларни тўлиқ қаноатлантириш борасида қандай ишлар қилиняпти?

— Вазирлик тизимида фақат бевосита ту-

ман, шахрларда ҳал этилиши лозим бўлган мурожаатларига кўриб чиқиш учун қуйи тизимга юборилиши мумкин. Тартибга кўра, юқори турувчи ички ишлар органлари томонидан мавжуд ҳужжатлар билан биргаликда ариза муаллифи иштирокида эътибор қаратилган масала ўрганилиб, фуқарога ҳудудий ички ишлар органлари томонидан қабул қилинган қарорнинг мазмун-моҳияти амалдаги қонун ҳужжатларидан ҳаволалар келтирилган ҳолда тушунирилиб, қонуний қарор қабул қилиниши таъминланади.

— Туман даражасида ҳал қилинмаган мурожаатлар бўйича вазирлик марказий аппаратида такроран мурожаат қилиш ҳолатлари кузатишмоқда?

— Ҳақиқатан ҳам, туман даражасида ҳал қилинмаган мурожаатлар бўйича вазирлик марказий аппаратида такрорий мурожаатлар келиб тушиши кузатишмоқда. Мазкур ҳолатларда такрорий мурожаатлар вазирлик марказий аппарати ходимлари томонидан ҳам кўриб чиқилиши йўлга қўйилган. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вазирлик таркибий ва ҳудудий бўлинмаларига келиб тушган мурожаатларнинг 14 фоизи айнан вазирлик таркибий бўлинмалари томонидан кўриб чиқилиши таъминланган.

— Нохўш ишдан бўшатишга эришган бўлса, қандай жавоб бериш ҳолатлари кузатишмоқда. Ушбу бир хилликдан қочиш ва фуқаронинг мурожаати бўйича уларни тўлиқ қаноатлантириш борасида қандай ишлар қилиняпти?

— Собиқ ички ишлар органлари сафида

хизмат қилган ходимларнинг ички ишлар органлари хизматига қайта тиклаш масаласидаги мурожаатларини ўрганиш тартиби мавжуд. Уларни хизматдан бўшатилишига сабаб бўлган ҳолатлар батафсил ўрганиб борилиши амалиёти йўлга қўйилган. Шу билан бирга, ҳозирча турли сабаблар билан асоссиз жавобгарликка тортилган, деб топилиб, улар бўйича оқлов ҳукмлари чиқарилган ва ҳозирги вақтда ички ишлар органлари олдига қўйилган вазифаларни бажара олиши мумкин деб ҳисобланган собиқ ходимларнинг 200 нафарга яқини ички ишлар органлари хизматига қайта тикланди.

— «Ашаддий мурожаатчилар»га қандай муносабатда бўлинади? Улар тоифага ажратилганми ва ушбу турдаги мурожаатчиларнинг мурожаатлари қандай тартибда ҳал этилади?

— Ички ишлар органларида фуқаролар мурожаатларининг кўриб чиқишида мурожаат этган фуқаролар ҳеч қандай тоифага ажратилмайди, уларнинг барча мурожаатлари кўриб чиқиши таъминланади. Чунки, ҳар бир такрорий мурожаатда янги вазирлик келтирилган бўлиши мумкин. Шу боис барча турдаги мурожаатлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқириб, қонуний ҳал қилинади.

— Ички ишлар органлари ходимлари томонидан вояга етмаган шахсларни сўроқ қилинишига йўл қўйиладими?

— Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ, ички ишлар органларининг терговчи ва суриштирувчиларига жиноят ишини юритиш давомида вояга етмаганларни процесс иштирокчиси сифатида сўроқ қилиш ваколати берилган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 121-моддасига асосан, ўн олти ёшга бўлган гувоҳ ёки жабрланувчини сўроқ қилиш қонуний вакили ёки қатта ёшдаги ақин қариндоши, педагог ёки жабрланувчининг вакили иштирокида уларнинг розилиги билан ўтказилади. Шунингдек, Жиноят-процессуал кодексининг 554-моддасига мувофиқ, вояга етмаган айбланувчини сўроқ қилишда суриштирувчи ёки терговчининг ихтиёрига кўра, педагог ёки психолог ҳам иштирок этиши мумкин. Бундан ташқари, вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишни юритишда қонуний вакилнинг қатнашиши шартлиги белгиланган.

— Тергов ҳаракатлари жараёнида камчиликларга йўл қўйилгани аниқланса, ходимларга нисбатан қандай процессуал ҳаракатлар амалга оширилади?

— Ички ишлар органлари ходимлари томонидан хизмат вазифасини лозим даражада бажарилмаганлиги ҳолатлари тергов давомида аниқланган тақдирда, ушбу юзасидан тегишли хизмат текширувлари ўтказилиб, ҳар бир ходимнинг хатти-ҳаракатларига қонуний баҳо берилиши таъминланади.

Шунингдек, матбуот анжумани давомида яна қатор саволларга жавоб олинди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЭЪЛОН!



Ўзбек давлат циркида
2019 йил 29 декабрдан
бошлаб 2020 йил 10
январга қадар ҳар куни
соат 10-00,
12-00, 14-00, 16-00,
18-00 да «Тролли-Бум»
деб номланган Арча
байрами томошалари
намоиш этилади.

Тошкент вилояти Зангиота тумани
Қатортол ҚФЙ «Бек-барака» ИСКда
жойлашган 352-сонли дўкон ўз
фаолиятини тугатади.
Даво ва эътирозлар 1 ой
давомида қабул қилинади.
Телефон: 93-578-87-56

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталари тахририяти жамоаси таниқли шоир, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист
Абдували ҚУТБИДИНОВнинг
вафоти муносабати билан унинг яқинларига, оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.



Яқин ўтмишда ҳам Сергели тумани пойтахтимизнинг энг чекка ҳудуди ҳисобланган. Кейинги икки йил мобайнида мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат дастурлари, ҳудудларни ривожлантириш чора-тадбирларига кўра, бу ҳудудда ҳам кўплаб қурилиш объектлари қад ростлади. Эндиликда Сергели пойтахтимизнинг кўркем ва замонавий ҳудудига айланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлиги ва «Ўзшаҳарқурилишинвест» компанияси етакчилигида қад ростлаётган ушбу бунёдкорлик объектларида мамлакатимизнинг барча вилоятларидан малакали қурувчилар иштирок этмоқда.

Хоразмнинг Ҳазорасп туманидаги «Узуккақош» номли маҳаллада таваллуд топган Қаҳрамон Абдурахмонов шулардан бири ҳисобланади. Касби қурувчи бўлган отаси Раҳимжон ака ҳам узоқ йиллар қишлоқ хўжалиги соҳасида, раҳбарлик лавозимларида ишлаган. У киши ўз даврида йирик қурилиш объекти ҳисобланмиш Туюмўйин ГЭСи қурилишида меҳнат қилган. У айна пайтда «Ўзбекистон» сугурта компаниясининг Тошкент вилояти, Зангиота тумани Эшонгузар бўлими бошлиғи лавозимида фаолият



БУНЁДКОРЛИК ОБЪЕКТЛАРИДА

УМРНИНГ БЕЗАГИ ЭЗГУ ИШЛАРДИР

кўрсатмоқда. Унинг тўрт нафар фарзанди бор: тўнгичи — Алимбой тадбиркор, Қаҳрамон иқтисодчи, Моҳира ўқитувчи, Юлдузхон эса ҳали талаба.

Тошкент иқтисодиёт университетининг иқтисод факультетини ҳамда Нукус давлат университети қурилиш факультетида таҳсил олган Қаҳрамон ҳам ота изидан борди. Ёш бўлса-да, кўпчиликка бош бўлаётган бу йигитнинг қурилиш назарияси ва амалиётини пухта эгаллагани фаолиятида кўл келяпти.

Онаси Муҳаббат Абдурахмонова Ҳазорасп иқтисодиёт коллежида ўқувчиларга иқтисод фанидан дарс беради.

Хулоса қилиб айтганда, Абдурахмоновлар сулоласи зиёли, маърифатпарвар оила сифатида элга ибрат. Лавҳамиз қаҳрамони асрларга татиғулик


бунёдкорлик ишларига ҳисса қўшаётганидан мамнун.

— «Ўзшаҳарқурилишинвест» раҳбари Зуфар Назруллаевни устозим сифатида қадрлайман. Унинг панд-насихатлари ҳаётимда доим асқотиб келмоқда. Фаолиятим йўлини унинг йўл-йўриқлари йўлчи юлдуз каби ёритиб келяпти, — дейди у.

Қаҳрамон Абдурахмонов «Шоҳмантаж» қурилиш МЧЖ раҳбари. Оддийгина айтганда, Сергели даҳаси қурилиш жараёнларида фаол иштирок этиб, билим ва тажрибаларини воқеликка кўчирётганларнинг биридир. Жумладан, унинг бошчилигида 2017 йилда мазкур ҳудудда тўртта турар жой биноси қад ростлади. 2018 йилда 84 та хонадонга мўлжалланган 7 қаватли иккита уй фойдаланишга топширилди. Жорий йилда эса 7 қаватли 210 та хонадонли 5 та уй қуриб битказилди. Мазкур факт ва рақамлар ортида қанчадан-қанча инсонларнинг, оилаларнинг шодликлари мужассам.

— Ушбу турар жойларни қуришдан аввал Сергели туманидаги штабимизда Вазирлар Маҳкамаси вакиллари иштирокида барча лойиҳалар мутахассислар томонидан баҳоланади. Баҳс-мунозаралар ҳам бўлиб туради. Жараёнда барча қурувчилар қатнашади. Шу йўсиндаги таҳлиллардан сўнг, лойиҳалар қурувчиларга топширилади, — дейди Қаҳрамон ака биз билан суҳбатда. — Ким қайси объектнинг қурадиган бўлса, қўлига лойиҳа топширилади. Назорат инспекцияси мутахассислари билан биргаликда яна муҳокама қилинади ва қурилиш ишлари бошланади.

РЕКЛАМА ЎРНИДА



Қурилиш бошлангандан то объект тайёр бўлгунга қадар барча жараёнлар раҳбарият назоратида бўлади.

Тўрт юз нафар ишчи-хизматчилардан иборат ахил жамоамиз, Мухтор Ёкубов, Улуғбек Абдурахмонов, Абдумалик Пирматов каби ўнлаб етакчи ходимларимиз барчага ўрнатилган бўлишмоқда. Умримизнинг безаги биз амалга ошираётган эзгу ишлардир. Юрт учун, ватан учун нимадир қилсанг, бундан ортиқ бахт борми?

Сергели даҳасида улкан қурилишларга нигоҳ ташлаб хаёлга чўмасан киши. Бу ерда тарихга айланаётган бунёдкорлик ишларини кўриб, инсон ақл шуури, ғайрат-шижоати бекиёб куч эканига яна бир қарра амин бўласан.

Ойгул РАЗЗОҚОВА,
журналист.

Байрам табриклари

«АСЛ – ОЙНА»

МЧЖ жамоаси

халқимизни

Ўзбекистон Республикаси

Конституциясининг 27 йиллиги

муносабати билан самимий

муборакбод этади!

Ватанимиз равнақи йўлида амалга ошираётган
эзгу ишларингизга омад тилайди.Юртимизни осойишталик, қалбларимизни шукроналик
туйғуси асло тарк этмасин!

Тинчлигимиз барқарор, ҳаётимиз фаровон бўлсин!



РЕКЛАМА

ЗАВОД «KRANTAS»

производит и реализует под заказ:



- ▶ Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м3.
- ▶ Водовозы — 4, 8, 12 м3.
- ▶ Вахтовые автобусы 4x4 — 22 мест, 6x6 — 26 мест.
- ▶ Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м3.

- ▶ Кислотовозы — 6, 8, 10 м3.
- ▶ Автогудронаторы — 6, 8 м3.
- ▶ Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78,
(+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

«АСАКА»
банки жамоаси

барча юрtdошларимизни
Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
қабул қилинган куннинг 27 йиллиги билан
самимий муборакбод этади!

Доимо осмонимиз мусаффо, юртимиз
тинч, турмушимиз янада фаровон бўлсин!

Ҳар бир оилада бахт-саодат, тўкинлик ва
хотиржамлик абадий бўлсин!

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV

Qalandar ABDURAHMONOV

Hayotxon ORTIQBOYEVA

Ulug'bek VAFOYEV

Guliston ANNAQILICHEVA

Farrux HAMROYEV

Mahmud TOIR

Muslihiddin MUHIDDINOV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Shuhrat JALILOV

Qabulxona — (71)233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — (71)233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — (71)233-47-80, (71)233-38-55

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba kuni chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1251. 13385 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari O'za yakuni — 01:00.
Topshirilgan vaqti — 01:20.
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Abdurauif KORJOVOV
Sahifalovchi-dasturchi:
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7439



Газетанинг электрон сарҳифасига ўтиш учун
QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 4 5 6